

# Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№6/2018(141) 1995 йилдан чиқа бошлаган

## БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

### **БОШ МУҲАРРИР:**

Шодиқул ҲАМРОЕВ

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Баходир ДЕХҚАНОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ

Азиз МИРЗАЕВ

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил  
19 апрелда Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0249-рақам билан  
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий  
аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2004 йил 17  
декабрдаги 110/4-сонли  
қарорига асосан ҳуқуқий,  
илмий-амалий журнал  
ваколати берилган.

Босишга 12.11.2018 йилда  
топширилди. Бичими: А4.

«Muharrir nashriyot» МЧЖ  
босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Адади: 4625 нусха.  
Буюртма № 135.

### **МУНДАРИЖА**

2. Суд амалиёти

41. К. МАВЛАНОВ,

*Жиноят ишлари юритиши жараёнида келиб чиқадиган  
процессуал чиқимлар*

45. Э. ҲАЙИТОВ,

*Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириши  
концепцияси*

48. Д. КЕНЖАБОВЕВ,

*Жиноят процессида тафтиши ва экспертиза:  
миллий қонуничилик ва хорижий тажриба*

### **СОДЕРЖАНИЕ**

53. Д. ХАБИБУЛЛАЕВ, А. ХАЙРУЛИНА

*Усиление роли юридической службы по оказанию правовой  
поддержки экономики и торговли*

# ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

## ЖИНОЯТНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**1. Шахснинг ҳаракатида гарчи, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавfli бўлмаган қилмиш жиноят деб топилмаслигига ва унинг айбсиз деб топилшига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2017 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, В. Жиноят кодексининг 228-моддаси 2-қисми "б" банди, 228-моддаси 3-қисми билан айбли деб топилди, 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 23 мартдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, В. "Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмасида ишлаб келган даврда бирлашма раисининг 2012 йил 18 октябрдаги 73х/с-сонли буйруғига асосан хизмат сафарига юборилган.

В. хизмат сафари давомида Тошкент шаҳридаги "SAYONAT-SARI" меҳмонхонасида яшамаган бўлса-да, дастлабки тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган номаълум шахс билан бир гуруҳ бўлиб, 2012 йил 19 октябрдан 21 октябрга қадар шу меҳмонхонанинг 201-хонасида яшагани тўғрисидаги 2012 йил 19 октябрь санаси кўйилган 007970-сонли қвитанцияни сохталаштирган. Сўнгра мазкур сохта қвитанцияни "Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ҳисобхонасига хизмат сафари гувоҳномаси билан бирга тақдим этиб, 70.000 сўм миқдорида хизмат сафари пулларини олган.

Жиноят кодексининг 36-моддасида, гарчи Жиноят кодексида жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавfli бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмаслиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 7-сонли қарорининг 9-бандида берилган тушунтиришларга кўра, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги сабабли

оқлов ҳукми (Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 1-банди) агарда судланувчи содир этганликда айбланаётган қилмиш судланувчи томонидан содир этилмаган бўлса, ёхуд назарда тутилган оқибат зиён етказилган шахс томонидан ёки кимнинг хоҳиш-истаги ва ихтиёридан бўлишидан қатъий назар, масалан, табиатнинг таъсир кучи натижасида содир этилса чиқарилади. Жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавfli бўлмаса (Жиноят кодексининг 36-моддаси) қилмишда жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли (Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-банди) оқлов ҳукми чиқарилади.

Бироқ суд ушбу ишни кўришда қайд этилган қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига амал қилмаган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаган. Бироқ В.нинг ҳаракатларини баҳолашда у 2 кун давомида Тошкент шаҳрида хизмат сафарига бўлиб, шу кунлар учун қалбаки қвитанция асосида олган 70.000 сўм энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараварини ҳам ташкил этмаганлиги учун кам аҳамиятли бўлиб, ижтимоий хавfli ҳисобланмаслигини инобатга олмаган ва В.ни 2012 йил 5 декабрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилиш билан чегараланиб, хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 29 мартдаги ажрими билан В.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ҳамда суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермагани сабабли жиноят иши Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 1-бандига асосан тугатилди.

5-348-18-сонли ажрим

## **2. Айбдорнинг битта жиноятдан иборат ҳаракатлари асоссиз равишда Жиноят кодексининг иккита моддаси билан квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига асос бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 18 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2017 йил 14 июндаги ҳукмига кўра, Х. Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди ва 25,273-моддаси 5-қисми билан Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Мазкур ҳукм билан Б. ҳам судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2016 йил 23 декабрь куни Х.нинг хонадони холислар иштирокида кўздан кечирилганида, хонадонда келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келинаётган 26 дона гугурт қутиларида 78,9 грамм "марихуана", шунингдек, 18,3 грамм, 0,6 грамм, 7,1 грамм "марихуана" гиёҳвандлик воситалари, 47,7 грамм ёғда қовурилган "марихуана" гиёҳвандлик воситаси ҳамда 0,22 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, ушбу гиёҳвандлик воситалари ашёвий далил тариқасида олинган.

Жиноят кодексининг 8-моддаси 2-қисми ҳамда Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги 13-сонли қарори 8-бандида қилмиш Жиноят кодексининг бир неча моддаларида кўрсатилган объектага нисбатан содир этилганда (умумий ва махсус норма рақобати) жиноятлар мажмуи мавжуд бўлмаслиги ва у махсус норма бўйича квалификация қилиниши лозимлиги, 10-бандида, бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодексининг тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгилловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи мод-

да билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Бироқ ушбу иш бўйича қайд этилган қонун ва Пленум қарори талабларига амал қилинмаган.

Хусусан, жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Х.нинг уйида икки турдаги "марихуана" ва "гашиш" гиёҳвандлик воситаси топилган. Айти пайтда, суд ашёвий далил деб топилган кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини турига қараб, алоҳида моддалар билан квалификация қилиб, хатога йўл қўйган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Х.нинг ушбу ҳолат юзасидан айби исботланганлиги ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Хусусан, биринчи инстанция суди Х.ни икки турдаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлаб келиб, кўп миқдордаги жами вазни 157,3 грамм "марихуана" ва 0,22 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситасини сотишга суиқасд қилганликда Жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топган бир вазиятда унинг айнан ушбу гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадида сақлаб келганликда ифодаланган ҳаракатларини Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди билан ортиқча квалификация қилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам иш бўйича йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган ва суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 майдаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган суд қарорларининг Х.га оид қисми ўзгартирилиб, унинг айбидан Жиноят кодексининг 276-моддаси 2-қисми "а" банди чиқарилди ва Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланган ҳолда тайинланган жазо муддати камайтирилди.

5-617-18-сонли ажрим

### **3. Жиноятнинг субъектив томони нотўғри аниқланганлиги учун шахснинг ҳаракатлари қасддан одам ўлдириш жиноятидан қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятига қайта квалификация қилинади.**

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2015 йил 3 июндаги ҳукмига кўра, Н. Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан ушбу кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 27 февралдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳукмига кўра, Н. 2014 йил 15 декабрь куни соат 17:00 ларда уйида ўтирганида, қайнукаси М. маст ҳолда келиб, турмуш ўртоғи З. билан жанжаллашиб, уни ҳам ҳақорат қилган. Уни тартибга чақириш мақсадида олдига чиқиб, жанжални тўхтатишини, уйдан кетишини айтганига қарамасдан, М. яна ҳақорат қилиб, жанжални тўхтатмаганидан жаҳли чиқиб, "ҳозир кўрасан" деб ошхонадан ошхона пичоғини олган. Шунда М.нинг ўғли А. унинг орқасидан ошхонага кириб тинчлантиришга ҳаракат қилаётганида, М. йўлини тўсган акаси И.ни туртиб йиқитган ва ошхонага кириб, ўғли А.ни ҳам суриб ташлаб, Н. билан ёқалашиб, кўкрак соҳасига ва бошига уриб, енгил шикаст етказган. Шунда тиззасига чўккалаб қолган Н. қўлидаги пичоқда М.ни урганида А. ва И. уларни ажратиб олишган. Шунда М. кўрсатилган биринчи ёрдамга қарамасдан олган тан жароҳатлари натижасида ҳодиса жойида вафот этган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаган ва Н.нинг айби исботлангани ҳақида асосли тўхтамага келган бўлса-да, унинг ҳаракатини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 2-бандида қасддан одам ўлдириш жинояти ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкинлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилиши, қилмишининг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етиши, ўлим юз беришини исташи — тўғри

қасд эканлиги ёки бунга онгли равишда йўл қўйиши эгри қасд эканлиги, 4-бандида қасддан одам ўлдириш жиноятини жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш жиноятдан фарқлаш учун айбдорнинг қасди нимага қаратилганлигини, унинг ўз ҳаракатлари оқибати, яъни жабрланувчининг ўлимига нисбатан субъектив муносабатини инobatга олиш даркорлиги, қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ниятида ҳаракат қилиши, баданга оғир шикаст етказиш шахснинг ўлимига сабаб бўлган ҳолларда эса, ўлимга нисбатан унинг айби эҳтиётсизлик шаклида ифодаланиши, айбдорнинг қасди нимага қаратилганлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда қилмишнинг барча ҳолатлари мажмуидан келиб чиқилиши, хусусан, жиноятни содир этиш усули ва қуроли, тан жароҳатлари сони, хусусияти ва ўрни (масалан, одам ҳаёти учун муҳим аъзоларнинг жароҳатланганлиги), жинoий ҳаракатлар тўхташи сабаблари, шунингдек, айбдор ва жабрланувчининг жиноят содир этилгунга қадар бўлган феъл-атвори, ўзаро муносабатлари, айбдорнинг жиноят содир этилгандан кейинги ҳаракатлари хусусияти эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ ушбу иш бўйича қайд этилган Пленум қарори тушунтиришларига амал қилинмаган.

Судланган Н. дастлабки тергов ва судда қайниси М. уйига маст ҳолда келиб, турмуш ўртоғи З. билан жанжаллашиб, бошқа хонада телевизор кўриб турганида уни ҳам ҳақорат қилиб чақиргани, унга жанжални тўхтатишини, уйдан кетишини айтиб ошхонага кириб кетгани, у ҳам орқасидан кирмоқчи бўлганида, уни тинчлантирмоқчи бўлиб йўлини тўсган акаси И.ни ҳам туртиб йиқитиб, ошхонага кириб келиб, уни урмоқчи бўлгани, унга қаршилик қилмоқчи бўлган ўғли А.ни ҳам суриб ташлаб, уни кўкрак соҳасига туртиб, бошига уриб жароҳат етказганида чўккалаб қолгани, унинг ҳақоратларидан ва бошига урганидан жаҳли чиқиб, қўлига қаердан пичоқ ол-

ганини ҳам билмай қолгани ва чўккалаган ҳолда М.нинг оёғига пичоқ билан ургани, қўлидаги қонни кўриб, ичкари хонага кириб кетиб, тез ёрдам чақиришни айтгани, уни ўлдириш нияти бўлмагани, пичоқ урса, М. оғриқдан ўзига келади деб ўйлагани, оёққа пичоқ урса, ўлиб қолиши мумкинлигини ўйламагани ҳақида кўрсатув берган.

Жабрланувчи А. дастлабки тергов ва судда, 2014 йил 15 декабрь куни отаси М. билан аммаси З.нинг уйига боргани, отаси М. аммаси З.ни ҳақоратлагани ва бошқа хонада телевизор кўриб ўтирган поччаси Н.ни ҳам ҳақоратлаб чақиригани, Н. чиқиб келиб отаси М.га тинчланишини, уйига кетишини айтганига қарамасдан отаси Н.ни ҳақорат қилишда давом этгани, Н. ошхонага кириб кетгани, отаси М. ҳам унинг ортидан ошхонага киргани, Н.ни қўлида пичоқни кўриб, отасига унга яқинлашмаслигини, қўлида пичоғи борлигини айтганида, отаси Н.ни урганидан у чўккалаб қолгани, отасига ўзининг кучи етмасдан амакиси И. билан ажратиб олишгани ҳақида кўрсатув берган.

Жабрланувчи И. ва гувоҳ З. судда жабрланувчи А.нинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатувлар беришган.

Судга оид тиббиёт-экспертизаси М.нинг ўлими иккала сон ва чап болдир соҳаларига санчиб кесилган жароҳат етказилиши, ўнг сон артерияси ва венаси тўлиқ шикастланиши оқибатида ўткир ташқи қон кетиши натижасида келиб чиққанлиги, бу жароҳатлар оғир шикастлар тоифасига кириши ҳақида хулоса берган.

Аниқланган ҳолатларга кўра, Н. билан жанжални айнан марҳум М. бошлаган

бўлиб, ҳақоратлаб, Н. билан ёқалашиб, кўкрак соҳасига ва бошига уриб, енгил шикаст етказган. Шунда Н. чўккалаб қолган ҳолда унга ҳужум қилаётган М.га нисбатан кучи етмаслигини англаб, пичоқда М.нинг оёғига уриб шикаст етказган. Сўнгра М.нинг аҳволини кўриб, Н. унинг акаси ва ўғлига тез ёрдам чақиришни буюриб, жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилган.

Бироқ биринчи ва кассация инстанцияси судлари жанжалнинг келиб чиқиш сабабларини, марҳум М.нинг фаол ҳаракатлари натижасида Н.га енгил шикаст етказилганлиги, жиноий ҳаракатлар тўхташи сабаблари каби ҳолатларни инобатга олмай, Н. одам ўлдириш қасди билан ҳаракатланган деб баҳолаб, нотўғри хулосага келган.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 майдаги ажрими билан Н.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг 2015 йил 3 июндаги ҳукми ҳамда шу суд кассация инстанциясининг 2018 йил 27 февралдаги ажрими ўзгартирилиб, Н.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисмидан шу кодекснинг 104-моддаси 3-қисми "д" бандига қайта квалификация қилинди ва Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди, тайинланган жазонинг ўталмай қолган муддати 2016 йил 12 октябрдаги амнистия актига асосан учдан бирига қисқартирилди.

5-657-18- сонли ажрим

#### **4. Шахснинг ҳаракатлари жиноий уюшма таркибида содир этилган жиноят деб нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгартирилишига сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2013 йил 3 июлдаги ҳукмига кўра, И. Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми "в" банди билан — 15 йил, 242-моддаси 1-қисми билан — 15 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узилкесил — 15 йил 6 ой, Жиноят кодексининг 59-моддаси 8-қисми тартибида 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2017 йил 23 февралдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, И. жиноий шериги М. томонидан тузилган жиноий уюшманинг уюшган гуруҳ аъзолари билан 2011 йил 14 октябрь куни босқинчилик жиноятини содир этиш учун аввалдан тайёрлаб қўйган қора рангли ниқоблар, резина

қўлқоплар ва дубинка билан қуролланган ҳолда, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Раҳимов 2-берк кўчаси, 6-уйга кириш дарвозаси устидан ҳовлига ошиб тушиб, уй эгаси А.га ҳужум қилишиб, юз қисмига уриб, оёқ-қўлларини боғламоқчи бўлганларида, А. фаол қаршилиқ кўрсатиб, баланд овозда бақирганлиги сабабли улар жиноий мақсадларига эриша олмасдан воқеа жойидан яширинган.

И. жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2012 йил 22 февралга ўтар кечаси жиноий шериклари билан босқинчилик жиноятини содир этиш учун аввалдан тайёрлаб қўйган қора рангли ниқоблар, скочлар ва тўппончага ўхшаш нарсалар билан қуролланган ҳолда, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Оқтепа берк кўчаси, 7 "А"-уй ҳовлисида дарвозадан ошиб кириб, ётоқхонада ухлаб ётган уй эгаси Ш. ва унинг турмуш ўртоғи Ф.га ҳужум қилиб, зўрлик ишлатиб, уларнинг оёқ-қўллари ва оғзиларини скоч билан боғлаб, 1.300 АҚШ доллари ва 3.940.000 сўм миқдорда моддий бойликларини босқинчилик йўли билан талон-торож қилганликда айбланган.

Жиноят кодексининг 29-моддаси бешинчи қисми мазмунига кўра, икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги қарори 16-бандида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу ишни кўришда иш бўйича қайд этилган қонун ва Пленум қароридаги тушунтиришларга амал қилинмаган.

Қонун мазмунига кўра, жиноий уюшма аъзолари ўртасида қоида тариқасида жиноий мақсадга эришиш учун вазифалар тақсимланади, жиноий уюшма ўзида жиноий гуруҳларни ўзининг таркибий бўғини сифатида бирлаштиради, раҳбар билан биргаликда икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат муайян йўналишда фаолият юритадиган гуруҳ тушунилади.

Жиноят кодексининг 242-моддаси 1-қис-

мида назарда тутилган жиноий жавобгарлик жиноятлар содир этишда жиноий уюшмани ташкил этиш, шундай уюшма ёки унинг таркибига кирадиган тузилмаларга раҳбарлик қилиш ва жиноий уюшма мавжуд бўлиши ва иш олиб боришини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширишда намоён бўлади.

Суд қарорларидан кўринишича, И. жиноий уюшманинг таркибидаги уюшган гуруҳ таркибида шериклари билан иккита ҳолатда босқинчилик жиноятини содир этган.

Бироқ жиноят иши бўйича тўпланган ҳужжатларда И. уюшган гуруҳ аъзоси сифатида жиноий уюшмага ҳам аъзо бўлганлиги, шунингдек, бу иш бўйича яна бошқа уюшган гуруҳлар мавжудлиги, уларнинг аъзолари ҳамда ушбу уюшган гуруҳлар биргаликдаги жиноий фаолият олиб бориш учун жиноий уюшмага бирлашганлигини, И.ни жиноий уюшма ташкил этганлиги ёки унга раҳбарлик қилганлиги, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолиятини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас, судда ҳам бундай далиллар аниқланмаган.

Бундан ташқари бир қисми алоҳида юритувга ажратилиб, алоҳида суд ҳукми билан судланган бошқа шахсларнинг кўрсатувларида ҳеч бири жиноий уюшма ташкил этилганлигига далолат берувчи ҳолатлар ёки кимдир жиноий уюшмага умумий раҳбарлик қилганлиги ёхуд алоҳида-алоҳида уюшган гуруҳлар тузилганлиги ва бирлаштирилганлиги ҳақида ҳолатлар кўрсатилмаган.

Бундай ҳолатда И. жиноий уюшма таркибида жиноятларни содир этганлиги ҳолати тахминларга асосланган бўлиб, уюшган гуруҳ таркибида иккита ҳолатда босқинчилик жиноятларни содир этишдан иборат бўлган ҳаракатлари Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми "в" банди билан тўлиқ қамраб олинади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 18 майдаги ажрими билан суд қарорларининг И.ни Жиноят кодексининг 242-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиш ва жазо тайинлаш қисми бекор қилиниб, ишнинг шу қисми тугатилди.

5-782-18- сонли ажрим

**5. Айбдорнинг қасддан одам ўлдиришга қаратилган ҳаракатлари безорилик туйғуси билан содир этилган деб нотўғри квалификация қилинганлиги суд қарорларининг ўзгаришига сабаб бўлади.**

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2015 йил 1 апрелдаги ҳукмига кўра, Т. Жиноят кодексининг 25,97-моддаси 2-қисми "л" банди билан ушбу Кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб — 11 йил, 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан — 3 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2015 йил 5 майдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т. 2014 йил 18 ноябрь куни соат 20 ларда "Файз" тўйхонасига бориб, спиртли ичимликларни истеъмол қилгани ҳолда, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, тўй маросимида иштирок этаётган маҳалладоши Қ.ни ҳеч бир сабабсиз юз қисмига бир марта уриб, улар ўзаро жанжаллашиб, бир-бирларига енгил шикаст етказишган.

Шундан сўнг Т. уйига келиб, акаси Б.га бу ҳақда айтиб турганида, уйи олдига К. билан А. келишиб, ушбу жанжал давом этган. К. Т.ни ерга йиқитиб, ураётганида Б. К.ни таёқ билан уриши натижасида К. ва А. уйларига қочиб кетишган.

Олган шикастларидан ғазабланган Т. К.дан ўч олиш мақсадида пичоқ ва таёқ билан қуролланиб, К.нинг уйига борганида уни тинчлантирмоқчи бўлган К.нинг акаси И.га икки марта пичоқ уриб, уни қасддан ўлдирмоқчи бўлганида, отаси С. уни таёқ билан уриб ўртача шикаст етказганлиги учун Т. воқеа жойидан яшириниб, ўз ҳаракатларини охиригача етказа олмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори 5-бандида, агар қилмишда Жиноят кодексининг 97-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган квалификация белгилари мав-

жуд бўлмаса, масалан, қотиллик безорилик туйғулари билан эмас, балки ўзаро жанжал ёки уришиш натижасида, ўч олиш, адоват, нафрат оқибатида содир этилган бўлса, қасддан одам ўлдириш жинояти Жиноят кодексининг 97-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилиниши; 16-бандида безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик замирида содир этилган қасддан одам ўлдириш Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми "л" банди билан квалификация қилиниши лозимлиги, бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, бепишандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлиши, бу ҳолда айбдорнинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 277-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги, безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш жиноятини ўзаро жанжал ёки уришиш оқибатида содир этилган қотилликдан фарқлаш учун уруш-жанжал ташаббускори ким эканлигини, низо одам ўлдиришда баҳона сифатида фойдаланиш мақсадида айбдор томонидан атайлаб уюштирилган-уюштирилмаганлигини аниқлаш лозимлиги, агар уруш-жанжал жабрланувчи томонидан бошланган бўлса ёки низога унинг ғайриҳуқуқий хулқ-атвори сабаб бўлган бўлса, айбдор безорилик оқибатида одам ўлдириш жинояти учун жавобгар бўлмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ушбу иш бўйича қайд этилган Пленум қароридаги тушунтиришларга амал қилинмаган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаган ва Т. жамоат жойи ҳисобланган "Файз" тўйхонаси олдига жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ҳеч бир сабабсиз Қ. билан жанжаллашиб, унга енгил шикаст етказ-

зишдан иборат безорилик ҳаракатларини тугалланган жиноят сифатида Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми "г" банди билан тўғри квалификация қилган бўлса-да, бироқ И.ни қасддан ўлдиришга суиқасд қилганлигини ҳам айнан юқоридаги безорилик жиноятининг узвий давоми сифатида баҳолаб, хатоликка йўл қўйган.

Т. билан Қ. ўрталарида бўлиб ўтган юқоридаги жанжалдан сўнг улар ўз ҳаракатларини давом эттирмасдан, уй-уйларига тарқаб кетишгани уни жамоат тартибига ошкора бўйсунмасликдан иборат безорилик ҳаракатлари шу ернинг ўзида тугалланганлигидан далолат беради.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Т.нинг қасди жамоат тартибини бузишга эмас, жабрланувчининг укаси Қ. уни уйига келиб уриб шикаст

етказиб кетгани туфайли ундан ва оила аъзоларидан ўч олишга қаратилганлигини кўрсатади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 1 майдаги ажрими билан Т.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг 2015 йил 1 апрелдаги ҳукми ҳамда шу суд апелляция инстанциясининг 2015 йил 5 майдаги ажрими ўзгартирилиб, Т.нинг ҳаракати Жиноят кодексининг 25, 97-моддаси 2-қисми "л" бандидан шу кодекснинг 25,97-моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилиниб, шу Кодекснинг 57-моддаси қўлланилиб — 8 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун 9 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

5-579-18-сонли ажрим

**6. Айбдорнинг ўзининг мулкани ўзбошимчалик йўли билан талаб қилганликдан иборат ҳаракатлари товламачилик жинояти деб нотўғри квалификация қилинганлиги боис суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2017 йил 19 сентябрдаги ҳукмига кўра, Д. ва У.лар Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" банди билан айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланилган ҳолда ҳар бири 3 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 9 ноябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д. ва У. олдиндан тил бириктириб, 2017 йил 27 май куни А. ва М.га ўзларини Миллий хавфсизлик хизмати ходими сифатида таништириб, нафақахўрлик гувоҳномасини кўрсатиб, Д.дан қарзи бўлмаса-да, уни фирибгарликда айблаб, 15 кун муҳлат ичида 700 АҚШ долларини бермаса, қамаб юбориш билан қўрқитиб, ундан Миллий хавфсизлик хизмати бошлигининг номига шу пулни қайтариши ҳақида тилхат ёздириб олишиб, пул беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйишган. 2017 йил 7 июнь куни

соат 17:00 ларда М.дан 500 АҚШ долларини олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланганлар.

Жиноят процессуал кодексининг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, ишда юзага келган қарама-қаршиликларни бартараф қилиш, судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида" 1998 йил 17 апрелдаги қарори 12-бандида товламачилик (рэкёт) нафақат фуқароларнинг, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўпол равишда бузувчи, балки иқтисодиёт соҳасида ҳам катта зарар келтирувчи жи-



ноят бўлиб, жиддий ижтимоий хавф туғдириши, қонунга биноан (Жиноят кодексининг 165-моддаси) товламачилик ўзганинг мулкани ёки мулкый ҳуқуқини топширишни, мулкый манфаатлар беришни ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни тақозо қилиши кераклиги, шу сабабли, қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмаслиги, лекин айрим ҳолларда ўзбошимчалик (Жиноят кодексининг 229-моддаси) тариқасида баҳоланиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ иш бўйича қайд этилган қонун талаби ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Судланган Д. дастлабки тергов ва судда 2011 йилда М.га тегишли Марғилон шаҳридаги уйни сотиб олмоқчи бўлиб, 12.000 АҚШ долларига келишиб, олдиндан 1.000 АҚШ доллари закат бергани, кейинчалик уйни сотиб олиш фикридан қайтиб, уйни таъмирлашни бошлагани учун М. уни эски ҳолига келтиришни ва берган закатини қайтаришни айтганида, у кўчириб ташлаган нарсаларини жойига қўйиб олиши учун 500 АҚШ долларини олиб қолиб, 500 АҚШ долларини қайтариб беришга келишишгани, шу тариқа пули М.да қолиб кетгани, орадан олти йил ўтиб пул керак бўлиб эсига тушиб, У. билан бирга М.дан ўзининг пулини қайтариб олмоқчи бўлгани ҳақида кўрсатув берган.

Судланган У. ҳам судланган Д.нинг кўрсатувиغا ўхшаш мазмунда кўрсатув берган.

Жабрланувчи М. дастлабки тергов ва судда 2011 йил март ойларида уйини сотмоқчи бўлгани, 2011 йил декабрь ойида уйига харидор бўлган Д. билан учрашиб, уйнинг нархини 12.000 АҚШ долларига келишиб, 1.000 АҚШ доллари закат олгани, Д. унга уй ҳужжатларини расмийлаштиришни айтиб, ўзи уйда таъмирлаш ишларини бошлаб юборгани, бироқ қандайдир сабабларга кўра уйни олиш фикридан қайтиб, берган закат пулини сўраганида, у уйни аввалги ҳолатига келтирганидан сўнггина пулини қайтаришини айтгани-

да, Д. тинчиб кетгани, орадан йиллар ўтиб Д. ундан ушбу пулини талаб қилгани, У. уни Д.нинг олдига олиб бориб, қамаб қўйиш билан қўрқитиб, мажбурлаб 700 АҚШ доллари бериши ҳақида тилхат ёздириб олгани, аризасига кўра тадбир ўтказилиб, уларга 500 АҚШ долларини берган вақтда ушланишгани ҳақида кўрсатув берган.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Д ва М.лар уй олди-сотдиси масаласи бўйича ўзаро келишмаганликлари учун уйга харидор бўлган Д. закат сифатида берган 1.000 АҚШ долларини қайтариб олиши масаласида М. билан низолашиб қолган. Шунда Д. айнан закат пулларини ўзини МХХ ходими сифатида таништирган У.орқали қайтармоқчи бўлган ва улар ушбу пулни талаб қилиб олишган.

Иш материалларида Д. ва У. жабрланувчи М.дан закат пулларидан ташқари Жиноят кодексининг 165-моддаси диспозициясининг зарур белгилари ҳисобланган "ўз мулкани ёки мулкый ҳуқуқини топшириш, мулкый манфаатлар бериш ёхуд мулкый йўсиндаги ҳаракатлар" содир этишини талаб қилинганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Бундай ҳолда М.дан Д.га тегишли пулни олишни ўзбошимчалик билан амалга оширганликдан иборат бўлган ҳаракатларни олдиндан тил бириктириб товламачилик қилиш жинояти аломатлари мавжуд деб бўлмайди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 26 апрелдаги ажрими билан Д. ва У.га оид суд қарорларини ўзгартириб, уларнинг ҳаракатларини ўзбошимчалик билан жабрланувчининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказиш деб баҳолаб, ҳаракатлари Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "в" бандидан ушбу кодекснинг 229-моддасига қайта квалификация қилиниб, шу модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ва эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, ҳар иккаласи қамоқдан озод қилинди.

5-553-18-сонли ажрим

## **7. Амнистия акти асосиз қўлланилмагани сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.**

Жинойат ишлари бўйича Тошкент вилоят суди кассация инстанциясининг 2016 йил 10 мартдаги ажрими билан ўзгартирилган, шу суднинг 2014 йил 23 декабрдаги ҳукмига асосан Х. Жиноят кодексининг 137-моддаси 2-қисми "б, в" бандлари, 138-моддаси 2-қисми "а" банди, 164-моддаси 4-қисми "в" банди, 165-моддаси 3-қисми "в" банди ва 211-моддаси 2-қисми "б" банди билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланилиб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х. ўзининг раҳбарлигида тузилган уюшган гуруҳ аъзолари ўртасидаги келишувга кўра, 2012 йил 14 март куни соат 5 ларда А.нинг мол-мулкани босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида, пичоқ ва қўл кишани билан қуролланган ҳолда А.ни иш жойи олдида ушлаб олиб, қўлларидаги кишан солган ҳолда "Нексия" русумли автомашинанинг орқа ўриндиғига ўтказиб, танасининг турли қисмларига қўллари билан бир неча марта уриб, унга нисбатан зўрлик ишлатиб, 26.748.600 сўмлик мулкни босқинчилик йўли билан эгаллаб олишган.

Сўнгра А.ни олдиндан тайёрлаб қўйилган дала-ҳовлига олиб бориб, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилишган.

Шунингдек, Х. ёғоч бўлаги ва камарнинг темир қисми билан А.га тан жароҳати етказиб, унга нисбатан содир этилган ғайритабиий ҳаракатларни уяли алоқа телефон аппарати ёрдамида фотосуратга олиб, шу фотосуратларни интернет тармоғи орқали тарқатиб юбормаслик ва унга нисбатан зўрлик ишлатмаслик эвазига 20.000.000 сўм беришини талаб қилган.

Шу куннинг ўзида талаб қилинган пуллардан А.нинг таниши Б.дан жами 3.200.000 сўм ва 1.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни эгаллаб, А.ни қўйиб юбориб, ундан қолган пул маблағлари-

ни ҳам тайёрлаб қўйишни талаб қилишган.

Бундан ташқари Ш. С., Д. ва Х. олдиндан тил бириктириб, С. фирибгарлигини яшириш ҳамда жинойий шериклари томонидан фуқароларнинг ишончига киришда ўзини Вазирлар Маҳкамасида ишловчи "Х.Ш." ва унинг қариндоши шу жойда ишловчи "П.А." ролида, Д.ни эса, ўзининг жияни деб таништириб, 2013 йил сентябрь ойида З.нинг ишончига кириб, уни пора беришга қизиқтириб, юқори лавозимда ишловчи танишларининг имкониятлари орқали уни Бўка туманидаги "Деҳқон бозори" МЧЖ раҳбари лавозимига тайинлаш эвазига кўп миқдордаги қиймати 45.146.000 сўмга тенг бўлган 20.000 АҚШ долларини пора сифатида беришига қизиқтиришган.

2014 йил 12 март куни З. "Тошвилбозорсавдо" уюшмаси бошқарувининг қарорига асосан "Деҳқон бозори" МЧЖ раҳбари этиб тайинланганидан сўнг у 2014 йил 22 март куни метро бекати олдида олдиндан келишилган 20.000 АҚШ долларида 10.000 АҚШ долларини Х. ва Ш.ларга пора тариқасида берган.

Ўз навбатида, С. шу куни Х. ва Ш.дан ўғли Д. орқали қиймати 22.573.000 сўмга тенг бўлган 10.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Суд Х. томонидан содир этилган жиноятларнинг барча тафсилотларини аниқлаб, унинг ҳаракатларини тўғри квалификация қилиб, унга қонун доирасида ва жиноятлар мажмуи бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳақида асосли хулосага келган.

Жиноят кодексининг 13-моддасига мувофиқ қилмишнинг жинойийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Қилмишнинг жинойийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга.

Иш ҳужжатларига қараганда, жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг

2010 йил 5 октябрдаги ажрими билан Х.га нисбатан Жиноят кодексининг 188-моддаси 2-қисми "в" банди ва 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан юритилган жиноят иши 2010 йил 28 августдаги амнистия актига асосан тугатилган.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги қонунига кўра, Жиноят кодексининг 188-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унда тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан жуда кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда амалга оширганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ 345-сонли Қонуни билан Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига киритилган ўзгартиришларга кўра, кўп миқдор — энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли Фармонида кўра, 2010 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам иш ҳақи миқдори 45.215 сўм этиб белгиланган бўлиб, жиноят иши судда кўрилган вақтда кўп миқдордаги зарар 13.564.500 (45.215x300) сўмни ташкил этган.

Х.ни Жиноят кодексининг 188-моддаси 2-қисми "в" банди ва 205-моддаси 2-қисми "в" банди билан айблаш ҳақидаги жиноят иши бўйича олинган назорат қилинмайдиган фойда (даромад) миқдори 343.476 сўмни ташкил этган бўлиб, ушбу сумма оз миқдордаги зарарни ташкил этган, шунингдек, дастлабки тергов органи томонидан айна бир айблов бўйича Х.нинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 205-моддаси 2-қисми "в"

банди билан ҳам квалификация қилинган ва иш бўйича етказилган зарарни жиддий зиён деб баҳолаб бўлмайди.

Қонун ўзгариши натижасида муқаддам Х. айбли деб топилган ҳамда амнистия актига асосан жазодан озод этилган қилмиш ҳозирда жиноят деб ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Судлар томонидан амнистия актларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 16-сонли қарорининг 8-бандида, агар амнистия актида ёки уни қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, амнистия акти муқаддам амнистия актига мувофиқ жиноят иши қўзғатилиши рад этилган ёки амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёхуд жазодан озод этилган ва амнистия акти қўлланилгандан сўнг қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланилмаслиги, Жиноят кодексининг Умумий қисми нормаларига мувофиқ, шахс муқаддам амнистия актига асосан жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган-этилмаганлигидан қатъи назар, жиноят қонуни ўзгариши натижасида шахс муқаддам жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилган қилмиш жиноят деб ҳисобланмай қолган бўлса, унга нисбатан амнистия акти қўлланилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Кассация инстанцияси суди Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан қайд этиб ўтилган ҳолатларга эътибор бермаган ва Х.га нисбатан амнистия актларини татбиқ этиш масаласини муҳокама қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 майдаги ажрими билан иш бўйича чиқарилган суд қарорларининг Х.З.га оид қисми ўзгартирилиб, унга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган муддати 2014 йил 14 ноябрдаги ҳамда 2016 йил 12 октябрдаги амнистия актларига асосан тўртдан бир қисмга қисқартирилди.

5-723-18-сонли ажрим

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ

### **1. Даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди ва даъвогар томонидан узрли сабабсиз умумий уч йиллик муддатнинг ўтказиб юборилиши даъвои рад қилишга асос бўлади.**

Даврон Мусаев жавобгарлар — Агросаноат биржаси Н. вилоят филиали, фермер хўжалиги ва масъулияти чекланган жамиятга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, фермер хўжалиги ва масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2008 йил 16 сентябрда тузилган биржа шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 27 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 26 майдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 6 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари бекор қилиниб, даъвои рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, 2004 йил 24 сентябрда Агросаноат биржаси Н. вилоят филиали томонидан ўтказилган биржа савдоси натижаларига кўра, масъулияти чекланган жамияти томонидан умумий ер майдони 225,5 кв.метр бўлган савдо дўкони фермер хўжалигига сотилган ва мазкур савдо дўкони ҳамда унга тегишли ер майдони 2008 йилда фермер хўжалигининг мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Даврон Мусаев жавобгарга тегишли савдо дўкони ёнида жойлашган 9,5 кв.метр ер майдони ўзига тегишли эканлигини билдириб, савдо дўкони юзасидан тузилган

олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди даъвои қаноатлантиришда масъулияти чекланган жамияти савдо дўконини фермер хўжалигига сотиш пайтида низоли ер майдони унга тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигига асосланган.

Фермер хўжалиги вакили судга ариза билан мурожаат қилиб, даъво муддатини қўллаб, даъвои рад қилишни сўраган.

Фуқаролик кодексининг 149-моддасига кўра, даъво муддати — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.

Мазкур кодекснинг 150-моддасида белгиланишича, умумий даъво муддати — уч йил. Кодекснинг 153-моддасига кўра эса, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвои рад этиш ҳақида қарор чиқариш учун асос бўлади.

Фуқаролик кодексининг 154-моддасига кўра, даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди.

Даъвогар низоли ер майдони 2008 йилда давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ҳуқуқлари бузилганлигини билган.

*6-98-18-сонли ажрим*

### **2. Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.**

Дилдора Раҳимова даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб жавобгар Бобур Шариповдан 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбек исмли фарзандининг моддий таъминоти учун ҳар ойга қўшимча харажатларни ундириб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2014 йил

26 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар Дилдора Раҳимова фойдасига 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбек исмли фарзандининг моддий таъминоти учун 2014 йил 4 ноябрдан бошлаб ҳар ойда вояга етгунига қадар қўшимча харажатлар

учун қатъий миқдорда 200 000 сўм ундирилиши белгиланган.

Иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 15 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорининг қатъий суммада қўшимча харажатлар ундиришга оид қисми ўзгартирилиб, жавобгардан даъвогар Дилдора Раҳимова фойдасига 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбекнинг таъминоти учун 229.735 сўм миқдорда қўшимча харажат ундириш белгиланган.

Оила кодексининг 103-моддасига асосан, ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт.

Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб, қўшимча харажатларни қисман пул билан тўланадиган қатъий суммада ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Болалар шифохонаси томонидан берил-

ган маълумотда 2013 йил 6 февралда туғилган Самирбек 2014 йил май ойларида ўткир бронхит, афтозли стоматит, камқонлик ташхислари билан амбулатор даволанганида 264.000 сўмлик дори-дармон ишлатилганлиги, шунингдек, мактабгача таълим муассасасининг маълумотига кўра вояга етмаган Самирбек 2014 йил 11 августдан муассасада тарбияланаётганлиги учун унга август ойидан ноябрь ойигача жами 195.470 сўм тўланганлиги қайд қилинган.

Суд Д.Раҳимова даъво талабини қисман қаноатлантиришда қайд этилган норма талабларига асосланган бўлса-да, шифохона томонидан қўйилган ташхислар сурункали касалликлар туркумига кирмаслиги, Оила кодексининг 71-моддасига асосан, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканликлари боис, сарф қилинган қўшимча харажатларнинг фақатгина ярми, яъни 132.000 сўм ҳамда мактабгача таълим муассасасида тарбияланаётганлиги учун 97.735 сўм ундирилиши лозимлигига эътибор қаратмай, асосиз ҳар ойда 200.000 сўмда пул ундириш ҳақида хулосага келган.

6-147-18-сонли ажрим

### **3. Файриқонуний ҳаракатлар туфайли юридик шахсга етказилган зарар тўла ҳажмда қопланиши шарт.**

Масъулияти чекланган жамият судга даъво билан мурожаат қилиб, жавобгар Ойбек Саидовдан жамият фойдасига 21.829.100 сўмлик етказилган моддий зарарни ундиришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 10 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 4 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, масъулияти чекланган жамияти фойдасига жавобгар Ойбек Саидовдан ўртача ойлик иш ҳақи миқдорда моддий зарар ундирилган, даъво талабининг қолган қисми қаноатлантиришдан рад қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 24 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра суд қарорлари ўзгартирилиб, даъво талаби тўлиқ қаноатлантирилган.

Аниқланишича, Ойбек Саидов 2015 йил

26 октябрдан масъулияти чекланган жамиятида эҳтиёт қисмлар сотиш менежери вазифасида ишлаб келиб, 2016 йил 17 августда "ЎзДЭУ-Фар" масъулияти чекланган жамияти омборидан 104.300.000 сўмлик эҳтиёт қисмларни моддий жавобгарлигига қабул қилиб, таниши Алижон Маҳмудовга нақд пулга сотиб, расмий ҳужжат ҳисобланган кириш қилиш китобига жами 99.222.940 сўмлик эҳтиёт қисмлар кириш қилинганлиги ҳақида сохта маълумотларни киритиб, пулни жамият ҳисоб рақамига кириш қилмасдан, ўз эҳтиёжларига ишлатиб, жамиятнинг 99.222.940 сўмлик мол-мулкни талон-торож қилган.

Жиноят ишлари бўйича суднинг ҳукми билан Ойбек Саидов Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди ва 228-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топilib, унга нисбатан тегишли жазо тайинланган.

Жамият томонидан 109.145.500 сўмлик нақд пуллар банк кассасига топширилмаганлиги ва 117.055.600 сўмлик тушумлар солиқ ҳисоботига киритилмаганлиги аниқланган.

Солиқ кодексининг 114-моддасига кўра, товарларни реализация қилишдан тушган тушумни яшириш, тушум яширилган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Вилоят хўжалик судининг 2017 йил 6 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи Оқолтин туман давлат солиқ инспек-

циясининг масъулияти чекланган жамиятга нисбатан молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилиб, жамиятга 21.829.100 сўм жарима қўлланилган.

Мазкур жарима солиқ органининг 2017 йил 17 февралдаги инкасса топшириқномасига асосан давлат фойдасига жамиятдан ундирилган.

Меҳнат кодексининг 198, 201-моддаларига кўра, ходим иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.  
*6-620-18-сонли ажрим*

**4. Ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар унинг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботлаб бермаса, етказилган зарар учун жавобгар бўлади.**

Нодир Раҳимов даъво билан судга мурожаат қилиб, жавобгар Олим Муродов 2017 йил 19 март куни Камол Қосимовга тегишли бўлган "Матиз" русумли автомобилни ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда ишончномасиз бошқариб, йўл қоидасини бузиб, велосипед бошқариб кетаётган отаси Вали Раҳимовни уриб юборганлиги оқибатида отаси шифохонада 2017 йил 23 мартда вафот этганлигини билдириб, 700.000.000 сўм миқдорда маънавий зарарни ошиқча хавф манбаи автомашина эгаси жавобгар К.Қосимовдан ундиришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 4 октябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантириш рад қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 10 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарори бекор қилиниб, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантириш, жавобгар Камол Қосимовдан даъвогар Нодир Раҳимов фойдасига етказилган маънавий зарар компенсацияси учун 3.000.000 сўм ундириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

О.Муродов жиноят ишлари бўйича Б. туман судининг 2017 йил 1 июндаги ҳукмига асосан, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилган, шунингдек, ундан жабрланувчи Нодир Раҳимов фойдасига 849.500 сўм моддий ва

30.000.000 сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланган.

Суд жавобгар Камол Қосимов автомобилни ноқонуний тарзда Олим Муродовга топширган бўлса-да, яъни унинг айбини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, даъво қаноатлантириш рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Фуқаролик кодексининг 999-моддаси 5-қисмига асосан, ошиқча хавф манбаининг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбани ғайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан ғайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, ошиқча хавф манбаини эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин.

К.Қосимов ўзига тегишли бўлган "Матиз" русумли автомобилни Олим Муродовга бошқариш ҳуқуқини берувчи ишончномасиз берган.

Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 2-қисмига кўра, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ошиқча хавф манбаи томонидан етказилган бўлса, қопланади.

*6-198-18-сонли ажрим*

**5. Ижара шартномасининг муддати тугаганидан сўнг ижара ҳақи ва пеня ундиришга йўл қўйилмайди.**

Бунёд Нафасов жавобгар Расул Икромовга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, ижара ҳақи ва унга ҳисобланган пеняни ундиришни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2017 йил 21 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 14 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгардан 3.976.288 сўм ижара ҳақи ва 1.988.144 сўм пеня ундирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида 2012 йил 1 августда имзоланган 22-сонли ижара шартномасига кўра, даъвогар Бунёд Нафасов фуқаро Расул Икромовга Н. шаҳар, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уйда жойлашган маъмурий бинонинг 30 кв.метрдан иборат хонасини ижарага берган.

Тарафлар ўртасида 2013 йил 21 январда

тузилган 14-сонли ижара шартномасига асосан юқоридаги шартномага ўзгартириш киритилиб, ижара олувчига 9 кв.метрдан иборат хона ҳам қўшиб берилган.

Шартноманинг 2.2-бандида жами ижарага олинган хоналар 39 кв.метр, мазкур хоналарнинг бир йиллик ижара ҳақи 1.980.945 сўм эканлиги кўрсатилган.

2012 йил 1 августдаги 22-сонли ижара шартномасининг 8.1-бандида шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга кириши ва Р.Икромов томонидан бинони таъмирлашга сарфланган 6.469.945 сўмлик харажатлар қоплангунга қадар амал қилиши белгиланган.

Расул Икромов томонидан сарфланган 6.469.945 сўмлик қурилиш харажатлари 2016 йил 15 январда қопланган. Шартнома шартига кўра, шу кундан ижара шартномаси муддати тугаган ҳисобланади.

Шунга қарамасдан, судлар Расул Икромовдан 3.976.288 сўм ижара ҳақи ва 1.988.144 сўм пеня ундириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

6-141-18-сонли ажрим

**6. Тарафлар ўртасида аслида қарз муносабати бўлмаса, қарзни ундириш билан боғлиқ моддий ҳуқуқ нормасини қўллаб, даъвони қаноатлантириш мумкин эмас.**

Шоди Ботиров судга даъво билан мурожаат қилиб, 2013 йил 10 мартда жавобгар Жамол Собиров тилхат орқали 8.000.000 сўм қарз олиб, қайтармаганлигини баён қилиб, жавобгардан қарзни ундиришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 14 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 11 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 13 февралдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Фуқаролик кодексининг 732-моддаси 1-қисмига кўра, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшан-

ча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

Аниқланишича, жавобгар Ж.Собиров даъвогарга тегишли устахонада ишлаган ва улар биргаликда автомашина эҳтиёт қисмларини олиб сотишган, ўзаро ҳисоб-китоб қилишганида Ш.Ботиров камомад чиқди деб, тилхат ёздириб олган, аслида тарафлар ўртасида қарз олди-берди бўлмаган.

Ж.Собиров томонидан ёзилган тилхатда ҳам айтилиши ҳолат акс этган.

Аслида тарафларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида зарар келиб чиққан, улар ўртасида қарз шартномаси тузилмаган ва қарз олди-берди муносабати юзага келмаган бўлса-да, судлар қарз шартномасига оид муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллаб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-102-18-сонли ажрим

**7. Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқий эмас, деб топилиши шу гувоҳнома асосида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлади.**

Гулнора Шодиева жавобгарлар — Ойгул Расулова, Н. туман ҳокимияти, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати, давлат нотариал идораси ва Муҳаббат Машариповага нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, марҳум Бегали Расуловнинг фарзанди бўлган Эргаш Бегалов билан 1973 йил 12 сентябрда қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қурганлигини, 2012 йил 18 апрелда мазкур уй-жойга Н. туман ҳокимининг қарори билан марҳум Б.Расуловнинг эгалик ҳуқуқи белгиланганлигини, 2012 йил 14 июлда нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан Ойгул Расулова низоли уй-жойга меросхўр деб топилганлигини, бироқ Эргаш Бегаловнинг фарзандларининг розилиги олинмаган ҳолда 2013 йил 15 январда уй-жой сотилганлигини, бунинг натижасида ўзларининг мерос ҳуқуқига оид ҳуқуқлари бузилганлигини билдириб, 2012 йил 14 июлдаги қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ва 2013 йил 15 январдаги олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2016 йил 25 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, Н. туман давлат нотариал идораси томонидан 2012 йил 14 июлда О.Расулова номига берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган. Даъво талабининг қолган қисми рад қилинган.

Фуқаролик иши апелляция ва кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 27 мартдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорининг олди-

сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни рад қилишга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъвони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

Аниқланишича, низоли уй-жойга марҳум Бегали Расуловнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

2012 йил 14 июнда нотариал тасдиқланган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага кўра, низоли уй-жойга нисбатан О.Расулова меросхўр эканлиги кўрсатилган.

2013 йил 14 июнда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига кўра, О.Расулова уй-жойни М.Машариповага сотган.

Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

Мазкур қонун талабига кўра, низоли уй-жойнинг Э.Бегаловга тегишли қисмига унинг турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари биринчи навбатдаги меросхўр ҳисобланади.

Бироқ 2012 йил 14 июнда низоли уй-жой бўйича О.Расуловнинг номига нотариал тасдиқланган гувоҳнома беришда Э.Расулов меросхўрларининг розилиги олинмаган. Шу асосга кўра, суд қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топган бўла туриб, даъво талабининг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишга оид қисмини рад қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган.

6-146-18-сонли ажрим



**8. Улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўлашига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади.**

Мадина Собирова жавобгар Умирбек Собировга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, турар-жойни умумий мулк деб топиш, улушини натура шаклида ажратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 9 июндаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, Н. шаҳар, А.Хўқандий мавзесидаги 116-уй, 44-хонадон М.Собирова ва У.Собировнинг умумий мулки деб топилган ва М.Собированинг фойдасига жавобгар У.Собировдан умумий мулкдаги улуши ҳисобига 23.299.043 сўм ундирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 17 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларининг пул ундиришга оид қисми бекор қилиниб, шу қисми бўйича даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори чиқарилган.

**9. Бир шахснинг бошқа бир шахсга тегишли уй-жойга Фуқаролик кодексининг 187-моддасида назарда тутилган тартибда ўн беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилиши унинг уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқини олишига асос бўлади.**

Самандар Бозоров судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Н. туманининг Шоҳжаҳон кўчасида жойлашган 60-уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Апелляция инстанциясининг 2018 йил 23 январдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 22 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби рад қилинган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 2 майдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш, 340 кв.метр ер участкасида жойлашган, фойдаланиш майдони 69,44 кв.метр, яшаш майдони 28,02 кв.метрдан иборат иккита яшаш хонаси, ойнали айвон, йўлак, иккита очиқ айвон, ошхона, соябон, ҳаммом ва дарвозалардан иборат Н. туманининг Шоҳжаҳон кўчасида жойлашган

Аниқланишича, тарафлар 2004 йилда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, икки нафар фарзандлари бор. Улар биргаликдаги турмушлари мобайнида низоли уйни У.Собировнинг номига сотиб олишган.

Фуқаролик кодексининг 223-моддаси олтинчи қисмига кўра, улушли мулк иштирокчисига унинг улушини асл ҳолида ажратиб бериш ўрнига бошқа мулкдорлар томонидан компенсация тўланишига иштирокчининг розилиги билан йўл қўйилади.

Биринчи инстанция суди Оила кодексининг 23-моддасига асосан, ушбу хонадонни умумий мулк деб топиш ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, даъвогар улушини пул шаклида ажратишни сўрамаган бўлса-да, унинг фойдасига улушини ундириш ҳақида ҳақида нотўғри хулосага келган.

6-884-18-сонли ажрим

60-уйга нисбатан Самандар Бозоровнинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Аниқланишича, Самандар Бозоров Дилбар Темирова билан 1985 йил 6 февралда қонуний никоҳдан ўтган, уларнинг биргаликдаги турмушидан 1986 йил 26 июнда Ойбек исмли фарзанди туғилган.

Эр-хотин фарзандлари билан биргаликда Н. тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 60-уйда яшаб келишган. Мазкур уй-жойнинг 1/3 қисми Самандар Бозоровнинг қайнонаси Гулнора Раҳимхўжаева ва 2/3 қисми эса, хотини Дилбар Темировага тегишли бўлган.

1992 йил 11 майдаги суднинг ҳал қилув қарорига асосан тарафлар никоҳдан ажралишган.

Гулнора Раҳимхўжаева 1994 йил 24 июлда вафот этган, унинг вафотидан сўнг мерос иши очилмаган ва меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳақидаги ариза билан ҳеч ким мурожаат қилмаган.

1999 йил 28 сентябрда нотариал тасдиқланган аризага кўра, Самандар Бозоров собиқ турмуш ўртоғи Дилбар Темировага фарзанди Ойбек Бозоровни Швеция давлатига олиб чиқиб кетишга розилик берган.

1999 йил 7 декабрда нотариал тасдиқланган ишончнома асосида Дилбар Темирова Самандар Бозоровга Шоҳжаҳон кўчаси, 60-уйнинг ўзига тегишли бўлган 2/3 қисмдаги улушини истаган нарх ва шартларда сотиш ваколатини берган.

Судда Шоҳжаҳон кўчаси, 63-уйда Самандар Бозоров яшаб келганлиги, Дилбар ва Гулнора Раҳимхўжаеваларнинг мазкур уй-жойда 1997 йилдан бери яшамётганлиги аниқланган.

Фуқаролик кодексининг 187-моддаси

1 ва 5-қисмларига асосан мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади (эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат).

Бироқ мазкур ҳолатларни суд инobatга олмасдан, Дилбар Темирова томонидан 1999 йил 17 декабрда уч йил муддатга низоли турар жойнинг бир қисмини сотиш учун берилган ваколатнома муддати туғанидан сўнг эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат бошланади, деган ваз билан даъво талабини рад қилиб нотўғри хулосага келган.

6-926-18-сонли ажрим

**10. Оилавий муносабатлар тугатилгач, эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулкларни уларнинг биргаликдаги умумий мулк деб топиб бўлмайди.**

Баҳора Машарипова жавобгар Хайрулла Саидовга нисбатан судга даъво билан мурожаат қилиб, биргаликдаги мулки бўлган 2003 йилда ишлаб чиқарилган, "НЕКСИЯ" русумли автомашинадан компенсация тариқасида улуш ундиришни сўраган.

Кассация инстанциясининг 2017 йил 9 ноябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган биринчи инстанция судининг 2017 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, "НЕКСИЯ" русумли автомашина жавобгар Х.Саидовга қолдирилиб, ундан даъвогар Б.Машарипова фойдасига 10.574.931 сўм ундириш белгиланган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 3 апрелдаги ажрими билан қуйидаги асосларга кўра, суд қарорлари бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарор чиқарилган.

Аниқланишича, даъвогар Б.Машарипова жавобгар Х.Саидов билан 1998 йил 3 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, биргаликдаги турмушларидан 1998 йил 11 сентябрда туғилган Зилола исмли фарзандлари бор. Фуқаролик иши кўрилган вақтда тарафлар никоҳдан ажрашмаган бўлган.

Судлар даъвони қаноатлантиришда, Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланиши ҳақидаги нормага асосланган.

Судда Х.Саидовнинг даъвогар билан 1999 йилдан буён бирга яшамаслиги, бир нафар фарзанди таъминоти учун 2002 йилдан буён алимент тўлаб келиши, 2000 йилда Ш.Тўрахановага уйланганлиги ва у билан турмушидан 2001 ва 2002 йилларда туғилган икки нафар фарзандлари борлиги, автомашина даъвогар билан ўзаро ажрашиб кетгач, 16 йилдан кейин сотиб олинганлиги тўлиқ тасдиқланган.

Шунга қарамасдан, судлар даъвони қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Ваҳоланки, Оила кодексининг 27-моддасига кўра, оилавий муносабатлар тугатилганда суд томонидан эр ва хотин алоҳида яшаган даврда орттирган мол-мулк улардан ҳар бирининг ўз мулки деб топилиши мумкин.

6-445-18-сонли ажрим

## I. ПРОЦЕССУАЛ ХУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**1. Фуқаролик ишлари бўйича суд, иқтисодий суд, ҳакамлик суди иш юри-тувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, суд даъво ари-засини кўрмасдан қолдиради.**

Акциядорлик жамияти (бундан буён матнда АЖ деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, масъу-лияти чекланган жамиятидан асоссиз олинган суммани ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби тўлиқ қано-атлантирилиб, масъулияти чекланган жа-миятидан АЖ фойдасига сўралган сум-ма ундирилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Масъулияти чекланган жамиятининг на-зорат шикоятда суд қарорларини бекор қилиш сўралган.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармасининг масъулияти чекланган жамияти манфаатида пудрат шартномаларига асосан АЖдан масъу-лияти чекланган жамияти фойдасига мавжуд асосий қарз ва пеня ундириш ҳақидаги даъво аризасига асосан вило-ят хўжалик (ҳозирда иқтисодий) судида 17-1611/27001-сонли иш қўзғатилган.

Ўз навбатида, АЖ масъулияти чеклан-ган жамиятига нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, масъу-лияти чекланган жамиятидан АЖ фойда-сига пеня ва жарима ундиришни ҳамда ортиқча тўланган фоизли кафолат тўло-ви ва "Пудратчининг бошқа харажатла-ри" учун ҳисобланган фоиз суммасини масъулияти чекланган жамиятидан қай-таришни сўраган.

Гарчанд, қарши даъво талабида масъ-улияти чекланган жамиятидан қайтариш сўралган "Пудратчининг бошқа харажат-лари" учун фоиз суммаси, ортиқча тўлан-ган сумманинг таркибига киритилиб, ушбу суммани ундириш сўралаётган бўлса-да, АЖ ушбу суммани қайтариш тўғрисида судга такроран даъво аризаси билан му-рожаат қилган.

Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов

ҳайъатининг қарори билан 17-1611/27001-сон-ли иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси суди-нинг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция су-дига юборилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан дастлабки даъво талабла-рини қаноатлантириш рад этилиб, қарши даъво талаблари бўйича иш юритиш ту-гатилган.

Апелляция инстанцияси судининг аж-рими билан судга оид қурилиш экспер-тизаси тайинланиб, иш юритиш тўхтатил-ган.

Демак, 1001-1706/20748-сонли иш Олий суд судлов ҳайъатида кўрилаётган кунда 17-1611/27001-сонли иш бўйича қабул қилинган биринчи инстанция су-дининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирмаган.

Иш кўрилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Хўжалик про-цессуал кодекси 88-моддасининг 1-бан-дига кўра, умумий суд, хўжалик суди, ҳакамлик суди айна бир шахслар ўрта-сидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юза-сидан иш юритаётган бўлса хўжалик суди даъвони кўрмасдан қолдиради.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди 17-1611/27001-сонли иш бўйича берил-ган АЖнинг қарши даъво талабида масъ-улияти чекланган жамиятидан қайтариш сўралган "Пудратчининг бошқа харажат-лари" учун фоиз ҳисобланган ҳолда ор-тиқча тўланган сумманинг таркибида қай-тарилиши сўралаётган сумма ҳам мав-жудлигини инобатга олиб, даъвони кўрмасдан қолдириши лозим эди.

Апелляция инстанцияси суди эса қайд этилган ҳолатларни инобатга олмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолди-риш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шунингдек, судлов ҳайъати АЖнинг 17-1611/27001-сонли иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари судлов ҳайъатининг қарори билан айнан АЖнинг қарши даъво аризаси иш юритувга қабул қилинмасдан муҳокама қилинганлиги сабабли бекор қилиниб, янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилганлиги, қарши даъво аризасида талабнинг асоси бошқа эканлиги ҳақидаги важи билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Чунки 1001-1706/20748-сонли иш бўйича даъво аризаси туманлараро иқтисодий судида 23052-сон билан рўйхатга олинган бўлса, қарши даъво аризаси 17-1611/27001-сонли иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари бекор қилиниб, ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақидаги Олий суд иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори қабул қилингунга қадар, вилоят хўжалик (ҳозирда иқтисодий) судида 7448-сон билан рўйхатга олинган бўлган.

Демак, судда рўйхатга олинган қарши даъво аризасини иш юритувга қабул қилмасдан муҳокама қилиниши суднинг про-

цессуал хатоси ҳисобланади, ушбу ҳолат суд ҳужжати устидан шикоят қилишга асос бўлади. Бироқ ушбу талаб билан такроран судга мурожаат қилишга йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 321-моддасининг 4-бандига кўра, суд ишни назорат тартибида кўриб чиққанда ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд даъво-ни тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан қайд этиб ўтилган суд қарорлари бекор қилиниб, иқтисодий суд иш юритувида айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлганлиги сабабли АЖнинг даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

1001-1706/20748-сонли иш

**2. Келишув битими шартларини кўриб чиқишда суд тарафларнинг келишув битимини тузиш ва иш юритишни тугатишга бўлган ҳақиқий хоҳиш-иродасини, улар томонидан келишув битими тузилаётганида қонун талаблари бажарилганлигини аниқлаши ва келгусида келишув битимини суд ҳужжатлари билан тенг шартларда ижро қилинишини таъминлашдан иборатлиги, тарафлар тақдим этган келишув битими қонун ҳужжатларига ҳилоф эмаслигини текшириши лозим.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси банк филиали манфаатида судга даъво ариза билан мурожаат этиб, жавобгарлар масъулияти чекланган жамияти ва акциядорлик жамиятидан солидар тартибда 249 000 АҚШ доллари миқдорида асосий кредит қарз ва 1 899,74 АҚШ доллари миқдорида кредит фоизини ундиришни, ундирувни АЖга қарашли дон қабул қилиш шохобчасига қаратишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан тарафлар ўртасида тузилган келишув битими тасдиқланган ва иш юритиш тугатилган.

Келишув битими масъулияти чеклан-

ган жамияти ва АЖ томонидан бажарилмаганлиги сабабли, банк филиалининг аризасига асосан ижро варақаси берилган. Унда қарздорликни ундириш гаровдаги мол-мулкларга қаратиш белгиланган.

Кассация инстанцияси судининг ажрими билан кассация инстанцияси судида иш юритиш тугатилган.

АЖнинг назорат шикоятда келишув битими қонун доирасида тузилмаганлиги, ижро варақаси нотўғри берилганлиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига амал қилинмаганлиги баён қилиниб, суднинг ажримини бекор қилиш сўралган.

Тарафлар ўртасида тузилган келишув

битимига асосан масъулияти чекланган жамияти кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида ойма-ой кўрсатилган график асосида кредитнинг асосий қарзи ва фоизини қайтариб тўлаб бориши, масъулияти чекланган жамияти ва АЖ 2017 йил 5 июлга қадар кредит фоизини қайтариш мажбуриятини олган.

Мазкур келишув битими бажарилмаса, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш мумкинлиги белгиланган. Бу эса, ушбу келишув битими шартли тузилганлигини билдиради.

Шунингдек, келишув битимида ушбу даъво аризасини кўрмасдан оқибатсиз қолдириш мақсадга мувофиқлиги белгиланган ва даъвогар мазкур даъво талабидан воз кечганлиги кўрсатиб ўтилган.

Келишув битимида барча даъво талаблари бўйича келишувга эришилмаган, яъни қарздорликни гаров мулкига қаратиш ҳақидаги даъво талаби муҳокама қилинмаган.

Келишув битимидаги бандлар бир-бирига зидлиги ва тузилган келишув битими даъво талабларини қамраб олмаганлиги, ушбу келишув битими қонун талаблари асосида тузилмаганлигини билдиради.

Бундан ташқари ушбу келишув битимига асосан берилган ижро варақасида банк фойдасига жавобгарлар масъулияти чекланган жамияти ва АЖ ҳисобидан солидар тартибда 9 215,26 АҚШ доллари ҳисобидаги қарздорликни ундириш, ундирувни гаровдаги мулкларга қаратиш кўрсатилган. Ваҳоланки, суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримда масъулияти чекланган жамияти кредит шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида ойма-ой кўрсатилган график асосида кредитнинг асосий қарзи ва фоизини қайтариб тўлаб бориши, масъулияти чекланган жамияти ва АЖ 2017 йил 5 июлга қадар кредит фоизини қайтариш мажбуриятини олган бўлиб, ажримда қарздорликни гаровдаги мулкларга қаратиш белгиланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан келишув бити-

мини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида" 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарорининг 11-бандида келишув битимининг шартлари аниқ, равшан баён қилиниши ва унинг ижро этилишида келишув битимининг мазмуни бўйича ҳар хил талқин қилинишига ва келгусида низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймайдиган бўлиши кераклиги, келишув битими тарафларнинг бир-бири олдидаги ўзаро мажбуриятларининг шартлари, миқдори ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозимлиги, келишув битими, хусусан: мажбуриятлар бажарилишининг кечиктирилиши ёки бўлиб-бўлиб бажарилиши тўғрисидаги; қарзни, неустойкани тан олиш ёки уларнинг миқдорини камайтириш тўғрисидаги; суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги шартларни ўз ичига олиши мумкинлигини судлар инobatга олишлари лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Мазкур Пленум қарорида келишув битими шартларини кўриб чиқишда суднинг вазифаси тарафларнинг келишув битимини тузиш ва иш юритишни тугатишга бўлган ҳақиқий хоҳиш-иродасини, улар томонидан келишув битими тузилаётганида қонун талаблари бажарилганлигини аниқлаш ва келгусида мазкур битимни суд ҳужжатлари билан тенг шартларда ижро қилинишини таъминлашдан иборатлиги, суд уни тасдиқлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилаётганида тарафлар тақдим этган келишув битими қонун ҳужжатларига ҳилоф эмаслигини текшириши лозимлиги кўрсатилган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, билдирилган талаб бўйича қарор қабул қилинмаганлиги сабабли, иш бўйича қонун талабларига мос ҳолда тузилмаган келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримни бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақида қарор қабул қилган.

19-1702/7182-сонли иш

**3. Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья ёки судьяларнинг шу ишни кассация инстанцияси судида кўришда қатнашишига йўл қўйилмайди. Суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилганлиги суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси Банк филиали манфаатида жавобгар — масъулияти чекланган жамияти ва қўшимча жавобгар — хусусий корхонага нисбатан судга мурожаат қилиб, жами 196,8 миллион сўм кредит қарзини ундиришни, ундирувни қўшимча жавобгарга тегишли бўлган гаров мулкига қаратишни ва гаров мулкнинг бошланғич сотув баҳосини белгилашни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Банк филиали ва жавобгар (қарздор) ўртасида кредит шартномаси тузилиб, унга кўра, банк қарздорга чорвачилик фаолияти билан шуғулланиш учун 155 миллион сўм миқдорида кредит ажратиш, қарздор эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатларда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганлик учун уч йил давомида йиллик 16 фоиз миқдорида устама тўлаш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилшининг таъминоти сифатида қўшимча жавобгарга тегишли умумий майдони 516,0 кв. метрдан иборат тўйхона биноси гаровга қўйилиб, гаров шартномаси тузилган.

Гаров шартномасининг 4.3-бандида гаровга қўйилган тўйхона биноси 193,7 миллион сўмга баҳоланган ва мазкур гаров шартномаси тегишли тартибда нотариал тасдиқланиб, давлат рўйхатидан ўтказилган.

Банк филиали томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилган бўлса-да, қарздор ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилган.

Суд даъвони қаноатлантиришда, "Гаров тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддаси биринчи қисмига кўра, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган тақдирда ёки лозим даражада бажармаганда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиши мумкинлигига, 28-моддасининг учинчи қисмига кўра, гаровга қўйилган мол-мулкнинг кимошди савдоси бошланадиган вақтдаги бошланғич сотиш нархи ундирув суд тартибда мол-мулкка қаратилган ҳолларда суд қарори би-

лан ёки бошқа ҳолларда гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан келишуви натижасида белгиланишига асосланган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг қароридан норози бўлган жавобгар назорат тартибда шикоят тақдим қилиб, суд қарорларини бекор қилишни, ишни янгидан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборишни сўраган.

Қўшимча жавобгар Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят билан мурожаат қилиб, гаров мулкни қайтаришни сўраган.

Ишни Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан қайта кўришда, биринчи инстанция суди иш ҳолатларини ўрганган ҳолда даъво талабларини тўлиқ қаноатлантириб тўғри тўхташга келганлиги, кассация инстанцияси суди эса, ишни қонунга хилоф таркибда кўриб чиқиб процессуал хатога йўл қўйганлиги, яъни ишни муқаддам апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судьялар кассация инстанцияси судлов ҳайъатида ҳам иштирок этганлиги аниқланган.

Ваҳоланки, Иқтисодий процессуал кодексининг 19-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд назорат тартибда кўришда иштирок эта олмайди.

Ушбу кодекснинг 302-моддаси учинчи қисмининг 1-банди мазмунига кўра, суд томонидан ишнинг қонунга хилоф тарзда кўрилганлиги ҳар қандай ҳолда суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлади.

Шу сабабли судлов ҳайъати ИПКнинг 322-моддаси биринчи қисми ҳамда 321-моддаси 5-бандига асосланиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни, кассация инстанцияси судининг қарорини бекор қилишни, жавобгарнинг шикоятини қисман қаноатлантиришни, ишни судда кўриш билан боғлиқ бўлган суд харажатларини тўлиқ жавобгар зиммасига юклашни лозим топган.

12-1705/6245-сонли иш

**4. Фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки чет давлат ваколатли судининг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатади.**

Хусусий корхона (бундай буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, МЧЖдан (бундай буён матнда жавобгар деб юритилади) 28,8 миллион сўм асосий қарз, 5,7 миллион сўм пеня ундиришни сўраган.

Ишни кўриш жараёнида даъвогар даъво талабига ўзгартириш киритиб, жавобгардан 40,8 миллион сўм зарар ва 8,2 миллион сўм пеня ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогар фойдасига жавобгардан 28,8 миллион сўм зарар ундирилган. Даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Жавобгар Олий судга назорат шикоятни билан мурожаат қилиб, суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этишни ва иш юритишни тугатишни сўраган.

Даъвогар вакили назорат шикоятига нисбатан эътирозларини билдириб, унга тегишли бўлган иккита транспорт воситаси жавобгар томонидан ишлатилганлиги факти туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлини терговчисининг қарори билан ўз тасдиғини топганлиги, тергов жараёнида жавобгар раҳбари "МАЗ-555102-223" русумли автотранспорт воситаси учун 12 миллион сўмни нақд тўлаб беришни ўз зиммасига олган бўлса-да, тўлаб бермаганлиги, ушбу даъво аризасида талаб қилинган сумманинг 28 миллион сўм зарар ва пеняни ундириш қисми суднинг бошқа иш доирасида кўриб чиқилиб рад этилган бўлса-да, терговчи ўз қарорида зарарни ундириш учун туманлараро судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирганлиги сабабли судга мазкур даъво аризаси билан мурожаат қилганлигини билдириб, суд ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, даъвогар ва жавобгар ўртасида 2 та автотранспорт воситаларини ижарага бериш тўғрисида ижара

шартномаси тузилган.

Даъвогарнинг жавобгарга 28,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатганлиги 2-сонли ҳисоб-фактурада (14,4 миллион сўм) ҳамда 1-сонли ҳисоб-фактурада (14,4 миллион сўм) қайд этилган.

Мазкур қарздорлик юзасидан тўлов амалга оширилмаганлиги сабабли даъвогар хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 28,8 миллион сўм асосий қарз ва 14,4 миллион сўм пеня ундиришни сўраган.

Аммо даъвогар айна шу масалада илгари ҳам иқтисодий судга мурожаат этган бўлиб, ушбу ҳолатга судлар томонидан эътибор қаратилмаган.

Яъни аввалроқ даъвогар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан асоссиз орттирилган 20 миллион сўм бойлик (тежалган пул), 7,7 миллион сўм зарар, 14,4 миллион сўм пеня ундиришни сўраган. Мазкур даъво аризасига асосан кўзғатилган иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар даъвогар судга қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 28 миллион сўм зарарни ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 28 миллион сўм зарар ундирилган, даъвогарнинг асоссиз орттирилган 20 миллион сўм бойликни (тежалган пул) ундириш қисми бўйича иш юритиш тугатилган, даъвогарнинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, кассация инстанцияси судининг қарори билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Бундан кўриниб турибдики, даъвогар иқтисодий судга айна бир талаб юзасидан 2 марта мурожаат этган бўлиб, суднинг ушбу масалада 2 та қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд. Қонунчиликда эса ушбу ҳолатга йўл қўйилмайди.

Жумладан, Иқтисодий процессуал кодек-

сининг 110-моддаси 2-бандига кўра, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, иқтисодий суднинг ёки чет давлат ваколатли судининг айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, иш юритиш тугатилиши белгиланган.

**5. Назорат протестида (шикоятида) ўзгартириш сўралган суд ҳужжати иш назорат тартибиде кўрилгунига қадар янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган бўлса, назорат протести (шикояти) бўйича иш юритиш тугатилади.**

Фирма (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "КБ-100 ОАС" русумли юк кўтаргич "Саноатконтехназорат" давлат инспекциясида унинг номига рўйхатга олинганлигини асос қилиб, уни жавобгар — МЧЖнинг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) қонунсиз эгалигидан олиб беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилиб, "Саноатконтехназорат" давлат инспекциясида даъвогар номига рўйхатга олинган "КБ-100 ОАС" русумли юк кўтаргич жавобгардан даъвогарга олиб берилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу суд ҳужжатлари юзасидан Бош прокурор ўринбосари томонидан назорат протести берилиб, унда суд ҳужжатларининг давлат божига оид қисмини ўзгартириш сўралган.

Назорат протести иш юритишга қабул қилинганидан сўнг жавобгар биринчи инстанция судига мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни сўраган.

Сўнг судлов ҳайъати томонидан назорат

Шу сабабли судлов ҳайъатининг қарори билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабининг 28 миллион сўм зарар ва 8,2 миллион сўм пеня ундириш қисми бўйича иш юритиш тугатилган, 12,8 миллион сўм зарар ундириш қисми ўз исботини топмаганлиги сабабли рад қилинган.

4-18-1803/694-сонли иш

протести бўйича иш юритиш иш янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўрилгунга қадар тўхтатилган.

Иш юритишни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганлиги сабабли судлов ҳайъатининг ажрими билан иш юритиш тикланган.

Аниқланишича, судлов ҳайъати томонидан иш юритиш тўхтатилганидан сўнг туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан аризачи жавобгар МЧЖнинг ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилган ҳамда хўжалик судининг ҳал қилув қарори янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилинган.

Иш умумий тартибда кўрилиб, янги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъвосини қаноатлантириш рад этилган. Ушбу ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан келтирилган назорат протестида ўзгартириш сўралган дастлабки ҳал қилув қарори туманлараро иқтисодий судининг ажрими билан бекор қилинганлиги сабабли протестни кўриб чиқишнинг зарурати қолмаган.

Натижада судлов ҳайъати протест бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида хулосага келган.

23-1706/4457-сонли иш

## II. МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**6. Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавоб берадилар, башарти, қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса. Бунда кафил кафиллик шартномасида белгиланган мажбурият миқдори доирасида жавоб беради.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси банк филиали (бундан буён матнда Банк деб юритилади) манфа-

атида масъулияти чекланган жамияти шаклидаги агрофирма (бундан буён матнда Агрофирма деб юритилади), "Ф" ва "Б" фер-



мер хўжаликлари, оилавий корхонага (бундан буён матнда Оилавий корхона деб юритилади)нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Банк филиали ва Агрофирма ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан юзага келган муддатли кредит асосий қарзи, муддати ўтган кредит асосий қарзи, кредит фоизи ҳамда Банк филиали ва Агрофирма ўртасида тузилган иккинчи кредит шартномасига асосан юзага келган муддатли кредит асосий қарз, муддати ўтган кредит асосий қарз, кредит фоизи, ҳар иккала шартнома бўйича жами суммани Агрофирма, Оилавий корхона, "Ф" ва "Б" фермер хўжаликларидан солидар тартибда ундиришни, ундирувни Агрофирма ва "Ф" фермер хўжалигига тегишли бўлган гаровдаги мол-мулкларга қаратишни ҳамда уларнинг кимосди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини белгилашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилиб, сўралган сумма тўлиқ Агрофирма, Оилавий корхона ва "Ф" ва "Б" фермер хўжаликларидан Банк фойдасига солидар тартибда ундирилган. Ундирув "Ф" фермер хўжалигига тегишли бўлган чорвачилик комплекси ҳамда Агрофирмага тегишли бўлган бостирма ва совутгич омборхонасига қаратилган ва уларнинг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув баҳоси белгилаб берилган.

Иш апелляция, кассация инстанцияси судларида кўрилмаган.

Оилавий корхонанинг назорат шикоятда корхона кафиллик шартномасига асосан 309,8 миллион сўмга кафиллик мажбуриятини олганлиги, бироқ ҳал қилув қарорида ундан 681,9 миллион сўм солидар тартибда ундириш белгиланганлиги баён этилиб, ҳал қилув қарорини ўзгартириш сўралган.

Банк ва Агрофирма ўртасида тузилган кредит шартномасига кўра, Банк агрофирмага йиллик 12 фоиз тўлаш шarti билан 36 ой муддатга 6 ой имтиёзли давр асосида чорвачиликни ривожлантириш учун кредит ажратиш, Агрофирма эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган тўлов графиги асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тузилган гаров шартномасига асосан "Ф" фермер хўжалигига тегишли бўлган чорвачилик комплекси ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Бундан ташқари 2-сонли кафиллик шартномасига асосан Оилавий корхона томонидан 309,8 миллион сўмга кафиллик мажбурияти белгиланган.

Шунингдек, Банк ва Агрофирма ўртасида тузилган 5291-сонли иккинчи кредит шартномасига кўра, Банк Агрофирмага йиллик 12 фоиз тўлаш шarti билан 60 ой муддатга 6 ой имтиёзли давр асосида совутгич мосламаси сотиб олиши учун кредит ажратиш, агрофирма эса олинган кредитдан фойдаланиб, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномага илова қилинган тўлов графиги асосида қайтариш мажбуриятини олган.

Кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тузилган ипотека шартномасига асосан Агрофирмага тегишли бўлган бостирма ва совутгич омборхонаси ўзаро баҳоланиб, гаровга қўйилган.

Бундан ташқари 1-сонли кафиллик шартномасига асосан "Б" фермер хўжалиги томонидан 400 миллион сўмга кафиллик мажбурияти белгиланган.

Кредит шартномасида Агрофирма олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни ойма-ой тўлов жадвали асосида тўлаб бориш мажбуриятини олган бўлсада, бироқ тўловни ўз вақтида амалга оширмаган.

Натижада даъво аризаси судга тақдим этилган кун ҳолатида Агрофирманинг 5289-сонли кредит шартномасига асосан юзага келган муддатли кредит қарзи 231,3 миллион сўм, муддати ўтган кредит қарзи 16,5 миллион сўм, кредит фоизи 4,8 миллион сўм, жами 252,7 миллион сўмни, 5291-сонли кредит шартномасига асосан юзага келган муддатли кредит қарзи 385,2 миллион сўм, муддати ўтган кредит қарзи 14,4 миллион сўм, кредит фоизи 29,2 миллион сўм, жами 429,2 миллион сўмни, ҳар икки шартнома бўйича эса, жами қарздорлиги 681,9 миллион сўмни ташкил этган.

Банкнинг кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш, акс ҳолда ундирув гаровдаги мол-мулкларга қаратилиши, кре-

дир ва унга ҳисобланган фоизлар кафиллардан солидар тартибда ундирилиши ҳақида юборган талабномаси оқибатсиз қолдирилган, қарздорликни сўндириш чоралари кўрилмаган.

Биринчи инстанция суди даъвони қаноатлантириш, ундирувни Агрофирма ва "Ф" фермер хўжалигига тегишли бўлган гаровдаги мол-мулкларга қаратиш ҳамда уларнинг ким ошди савдосидаги бошланғич сотув баҳосини белгилаш ҳақида тўғри хулосага келган бўлса-да, жами 681,9 миллион сўмни Агрофирма, Оилавий корхона, "Ф" ва "Б" фермер хўжаликларидан солидар тартибда, яъни кафиллик шартномаларида кафиллик билан таъминланган мажбурият миқдордан ортиқча ундириб, хатолликка йўл қўйган.

Фуқаролик кодексининг 292-моддаси биринчи қисмига кўра, кафиллик шартномаси бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредиторлари олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Мазкур кодекснинг 293-моддаси биринчи қисмига мувофиқ қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, башарти қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса кафил ва қарздор кредитор олдида солидар тартибда жавоб берадилар.

**7. Мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларини, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (Фуқаролик кодексининг 231-моддаси) бартараф этиш ҳақидаги талабларига, яъни негатор даъволарга даъво муддати қўлланилмайди. Шартномани, яъни битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаб негатор даъво ҳисобланмаслиги сабабли, бундай низога нисбатан ушбу ҳуқуқ нормасини қўллаб бўлмайди. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъий назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилиниши, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланиши, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъво-ни рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.**

Акциядорлик жамиятининг акциядори бўлган фуқаро "А" (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва фуқаро "М" (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида тузилган қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди шартномаси шартига кўра, даъвогар ўзига тегишли бўлган, акциядор-

Кафиллик шартномаларининг 1-бандида кафил кредиторнинг биринчи талабига кўра, кредит шартномаси бўйича қарздорнинг асосий қарз, воситачилик ҳақи, фоизлар ёки бошқа молиявий тўловлар борасидаги бажарилмаган мажбуриятларини бажариш юзасидан қайтариб олинмайдиган ва ҳеч қандай шарт қўйилмайдиган мажбурият олиши, бироқ ушбу шартнома бўйича Оилавий корхонанинг кафиллик мажбуриятларининг умумий миқдори 309,8 миллион сўм, "Б" фермер хўжалиги кафиллик мажбуриятларининг умумий миқдори эса 400,1 миллион сўм доирасида чекланиши белгиланган.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди кафиллик шартномасида белгиланган кафилнинг мажбурият доирасидан келиб чиқиб, Банк фойдасига жами ундирилиши лозим бўлган 681,9 миллион сўмнинг 252,7 миллион сўм қисмини Оилавий корхонадан, 400,1 миллион сўм қисмини "Б" фермер хўжалигидан солидар тартибда ундириши лозим эди.

Судлов ҳайъати қайд этилганларни эътиборга олиб, ҳал қилув қарорини ўзгартириш, даъво талабларининг Оилавий корхонадан 429,1 миллион сўм, "Б" фермер хўжалигидан 281,8 миллион сўм кредит қарзни Банк фойдасига солидар тартибда ундириш қисмини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

19-1507/31407-сонли иш

лик жамиятининг 16 дона, номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган акцияларини 16 000 сўмга сотиши, жавобгар эса, сотиб олинган акциялар ҳақини тўлаши лозим бўлган.

Ушбу шартнома "Depozitariy" масъулияти чекланган жамияти томонидан рўйхатга олиниб, 16 дона оддий акциялар жавобгар но-

мига расмийлаштирилган.

Даъвогар жавобгарга, "Depozitariy" масъулияти чекланган жамияти ва Суд ижрочилари бўлимига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Depozitariy" масъулияти чекланган жамиятида рўйхатга олинган шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, "Depozitariy" масъулияти чекланган жамиятида рўйхатга олинган шартнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция суди жавобгарнинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад қилиш, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри тўхтамга келган.

Ишни кўриш жараёнида жавобгар судга ариза тақдим қилиб, даъво муддатини қўллаш ва даъвони қаноатлантиришни рад этишни сўраган. Суд даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этишда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 163-моддасига асосланиб моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаган.

ФКнинг 163-моддаси хатбошисида мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, шу жумладан, эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бузишларни (ушбу Кодекснинг 231-моддаси), бартараф этиш ҳақидаги талабларига, яъни негатор даъволарга даъво муддати қўлланмаслиги белгиланган.

Шартномани, яъни битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ушбу низо талаби негатор даъво ҳисобланмаслиги сабабли, ушбу ҳуқуқ нормасини қўллаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 31-бандида берилган тушунтиришларга мувофиқ битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талабга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, умумий даъво муддати қўлла-

нилади ҳамда даъво муддати фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланилади.

Акциядорлик жамиятининг акциядори бўлган фуқаро "А" ва фуқаро "М" ўртасида қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди шартномаси тузилганидан сўнг орадан 8 йил ўтиб, уни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси берилган.

Даъво муддатини тўхтатиш ёки даъво муддатини узилиши каби ҳолатлар мавжуд бўлмаган. Шу сабабли даъво муддати шартнома тузилган кундан ўта бошлаган.

Ваҳоланки, рўйхатга олинган шартномани даъвогар ва жавобгар ўз хоҳиш-иродаларига мос ҳолда имзолари билан тасдиқлаган ҳамда даъвогар шартноманинг орқа томонида шартнома асосида келишилган 16 000 сўм пулни олганлигини тасдиқлаб, имзо қўйган.

ФКнинг 150-моддасига кўра, умумий даъво муддати — уч йил. Ушбу кодекснинг 153-моддасида бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтганлигидан қатъий назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилиниши, даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризасига мувофиқ қўлланиши, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлиши белгиланган.

Қайд этилган ҳуқуқ нормаларига асосан биринчи инстанция суди ишни кўриш жараёнида жавобгар томонидан берилган даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризаси низо бўйича уч йиллик даъво муддати ўтганлиги сабабли қаноатлантириши лозим эди.

Апелляция инстанцияси суди ҳам ушбу ҳолатларга эътибор қаратмаган, асоссиз равишда ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида хулосага келган.

Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати жавобгарнинг назорат шикоятини қаноатлантириб, мазкур иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилган.

Акциядорлик жамиятининг акциядори фуқаро "М" нинг даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилиб, даъво аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

16-1603/3560-сонли иш

**8. Даъво аризаси (ариза) берилганда иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан давлат органлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, Солиқ кодексининг 330-моддасида назарда тутилган бошқа ташкилотлар озод қилинади. Давлат божи тўлашдан озод этилган давлат органлари иқтисодий судларга суд ҳужжатлари ус-тидан апелляция, кассация ва назорат шикоятлари билан мурожаат қилган-да ҳам давлат божи тўлашдан озод қилинади. Ушбу қоида улар суд процес-сида жавобгар сифатида иштирок этган ҳолларда ҳам татбиқ этилади.**

Хусусий корхона (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг (бундан буён матнда Бошқарма деб юритилади) буйруғини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Суднинг ажрими билан Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг вилоят бошқармаси, туман ҳокимияти, ОАЖ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қаноатлантирилиб, Бошқарманинг буйруғи ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилинган ва янги қарор қабул қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Даъвогарнинг назорат шикоятида суд томонидан иш ҳолатлари ва даъво талаблари тўлиқ ўрганилмасдан суд ҳужжати қабул қилинганлиги баён этилиб, суд қарорини бекор қилиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарори ва вилоят ҳудудий танлов комиссиясининг баённомасига асосан ОАЖнинг 98,05 фоиз давлат акция пакети 12 ой муддат ичида 400,6 миллион сўм миқдорида инвестиция киритиш эвазига "ноль" харид қийматида даъвогарга олди-сотди шартномаси асосида сотилган.

Шартномада белгиланган инвестиция мажбуриятларини тақдим қилган бизнес-режага мувофиқ муддатларда ва тўлиқ ҳажмда бажариш билан бирга бизнес-режада баён этилган хизмат кўрсатиш соҳасини белгиланган муддатларда ишга тушириш харидор-

нинг мажбуриятлари сирасига киритилган (шартноманинг 3.6-банди).

Шартноманинг 4.1-бандида даъвогар шартнома имзоланган кундан бошлаб 400,6 миллион сўм миқдорида инвестиция мажбуриятларини 12 ой ичида, яъни инвестициянинг дастлабки 6 ойи давомида жамиятнинг бюджет олдидаги ва бошқа қарзларини қоплаш, инвестиция киритиш даврида жамиятда қурилиш ташкилоти, шлакоблок ишлаб чиқариш ва бошқа бизнес режада кўрсатилган ишларни ўз ҳисобидан пул маблағлари, технология ускуналарини таъмирлаш учун хом-ашё материаллари кўринишида мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага мувофиқ бажариши белгиланган.

Ушбу мажбуриятларни бажариш мақсадида ОАЖ балансига 2008 йил декабрь ойининг охирида 3 дона автотранспорт ва бошқа техника воситалари ўтказиб берилган ҳамда ушбу техника воситалари давлат рўйхатидан ўтказилиб, техник паспорт олинган. Бу ҳақда даъвогар ва ОАЖ ўртасида техника воситаларини ОАЖ балансига ўтказиш ҳақида далолатнома тузилган.

Инвестиция мажбурияти белгиланган муддатда бажарилмаганлиги, яъни инвестиция ҳисобига киритилган автомашиналар ОАЖнинг номига ўтказилмаганлиги, қурилиш ва таъмирлаш ишлари охирига етказилмаганлиги асос қилиниб, Бошқарманинг буйруғи билан олди-сотди шартномаси бекор қилинган.

Даъвогар томонидан инвестиция мажбуриятини бажариш муддати кечиктирилганлиги сабабли хўжалик судининг 11-1132/6069-сонли иш буйича қабул қилинган суд қарорига асосан даъвогардан Бошқарма фойдасига 77 825 626 сўм миқдорида пеня ундирилган.

Даъвогар инвестиция киритиш мажбуриятини бажарганлигини билдириб, Бошқарманинг юқоридаги буйруғини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат этган.

Биринчи инстанция суди даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув

қарори қабул қилиб асосли тўхтамга келган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъвои қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиб, нотўғри тўхтамга келган.

Чунки баҳолаш ташкилотининг даъвогар томонидан инвестиция мажбуриятлари доирасида киритилган махсус қурилиш ва катта юк ташиш техникасининг, шунингдек, бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг баҳосини аниқлаш бўйича тақдим этган ҳисоботида кўра, инвесторнинг ҳисобот даврида бажарган пудрат ишлари ва жамият балансида киритган техникаси жами 455,3 миллион сўмни ташкил этган. Демак, инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари ортиги билан бажарилган.

Даъвогар Бошқармага хат билан мурожаат қилиб, ушбу ҳисоботни тақдим этган ва тез кунда текширув аудит хулосаси ҳам тақдим этилишини билдирган. Шундан сўнгра аудиторлик ташкилоти ҳам инвестор томонидан жамиятнинг 98,05 фоиз давлат акцияси пакетини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича олди-сотди шартномасида кўрсатилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши бўйича ўтказилган аудиторлик текшируви хулосасини тақдим этган. Унга кўра, аризачи томонидан жамиятга киритиши лозим бўлган инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилган.

Бошқарманинг Давлат солиқ инспекциясига ёзган хатида инвестор томонидан киритилган инвестиция мажбуриятлари яқунланганлиги, бошқарма баҳолаш ташкилоти томонидан берилган инвестиция мажбуриятлари бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни ўрганиб чиқаётганлиги маълум қилинган ва бунга эътироз билдирилмаган.

Сўнгра Бошқарма ва туман ҳокимияти вакиллари иштирокида объектни ҳамда жамиятга киритилиши лозим бўлган инвестиция мажбуриятларини бажарилиши ҳолатларини ўрганиш натижаси бўйича далолатнома расмийлаштирилган. Унда шартнома шартлари тўлиқ бажарилмагани, жумладан, маъмурий бинонинг дераза ромлари қўйилган бўлса-да, таъмирлаш ишлари охиригача яқунланмаганлиги, шлакоблок ишлаб чиқариш ишлари йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари жамиятга киритилмаганлиги кўрсатилган. Шунга кўра, Бошқарманинг буйруғи билан олди-сотди шартномаси бекор қилинган.

Бироқ тақдим этилган далиллардан кўринишича, инвестор томонидан шартномада белгиланган барча инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилган ва бу ҳолат келтириб ўтилган аудит хулосаси ва баҳолаш ташкилотининг ҳисоботи билан тасдиқланади.

Бундан ташқари даъвогар томонидан мулклар ОАЖ балансида қабул қилинмаганлиги ҳолатлари ҳам бартараф этилган ва барча техника ва асбоб-ускуналар ОАЖ балансида қабул қилинган. Бу ҳолат ОАЖнинг йиллик ҳисоботида ҳам акс эттирилган.

Судлов ҳайъати ишда тўпланган далилларни текшириб, биринчи инстанция суди томонидан низоли объект жойига чиқиб, қўрилганда аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериб, даъвои қаноатлантириш ҳақида тўғри тўхтамга келинган деб баҳолаган.

Лекин биринчи инстанция суди Бошқармадан давлат божи ундириб хатоликка йўл қўйган. Чунки Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 330-моддаси 19-бандига асосан давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан давлат божи тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида" 2008 йил 18 апрелдаги 180-сонли қарори 25-бандида берилган тушунтиришларга мувофиқ даъво аризаси (ариза) берилганда иқтисодий судларда давлат божини тўлашдан давлат органлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, СКнинг 330-моддасида назарда тутилган бошқа ташкилотлар озод қилиниши, давлат божи тўлашдан озод этилган давлат органлари иқтисодий судларига суд ҳужжатлари устидан апелляция, кассация ва назорат шикоятлари билан мурожаат қилганда ҳам улар давлат божи тўлашдан озод қилиниши, ушбу қоида улар суд процессида жавобгар сифатида иштирок этган ҳолларга ҳам татбиқ этилиши қайд этилган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати иш юзасидан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорининг Бошқармадан республика бюджетига давлат божи ундириш қисмини ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида қарор қабул қилган.

10-1310/7342-сонли иш

**9. Ҳар йил учун белгиланган бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларига мувофиқ, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмадан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгалланган ер майдонидан келиб чиқиб ундирилади. Бозор ва хусусий корхона ўртасида шартнома тузилмаганлиги хусусий корхонани бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун тўловларни тўлашдан озод қилмайди.**

"Деҳқон бозори" акциядорлик жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, хусусий корхонадан (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 46,1 миллион сўм инфратузилма тўловини ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

Иш апелляция тартибида кўрилмаган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгарга тегишли жами 255 кв.м майдон даъвогарга тегишли ҳудудда жойлашган.

Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг даъвогарга тақдим этган маълумотномасида жавобгарнинг ушбу савдо дўконлари даъвогарга тегишли ҳудудда жойлашганлиги кўрсатилган.

Даъвогарнинг маълумотига кўра, бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик юзасидан жавобгарга у эгаллаган жами 255 кв.м майдондаги савдо дўкони учун 2014-2017 йиллар давомида ҳисобланган тўловлардан 2017 йил 1 апрель ҳолатига даъвогар олдида инфратузилма тўловидан қарзи 46,1 миллион сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сонли Қарори 4-бандига кўра, бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хиз-

матлар қиймати минимал миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 январда 2185-сон билан рўйхатга олинган "Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 3-бандига кўра, бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган ставкалар ва таърифлар бўйича ҳудудий молия ва солиқ органлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ҳар йили белгиланадиган минимал миқдорлардан паст бўлмаган миқдорда ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган (2014 йил 26 декабрда 2643-сон билан, 2016 йил 14 январда 2751-сон билан, 2017 йил 20 январда 2854-сон билан рўйхатга олинган) ҳар йил учун белгиланган бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларига берилган тушунтиришга кўра, бозорлар ва савдо комплекслари ҳудуди-

даги бино, иншоот ва қурилмалар мулкдорларидан бозорлар ва савдо комплекслари инфратузилмадан фойдаланганлик учун ундириладиган тўлов кадастр ҳужжатларида кўрсатилган эгалланган ер майдонидан келиб чиқиб ундирилади.

Бозор инфратузилмаси учун тўланиши белгиланган тўловларнинг жорий этилиши, бозорлар ва савдо комплексларини умумий фойдаланишида бўлган объектларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш харажатларини қоплашга қаратилган бўлиб, бозор ҳудудида жойлашган бино иншоотга эга мулкдорлар муайян бозор инфратузилмадан фойдаланиши ҳамда бу фойдаланишнинг алоҳида мулкдор бўйича ҳисобини олиб боришнинг мақбул механизми йўқлиги муносабати билан тўловлар бинонинг эгалланган ер майдонидан келиб чиқиб белгиланган.

Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳар йиллик тўловларнинг минимал миқдорлари белгилаб келинган. Ушбу белгиланган тўловларнинг минимал миқдорлари ўз навбатида халқ депутатлари кенгашининг қарорлари билан тасдиқланган.

Бироқ судлар томонидан жавобгардан у эгаллаган жами 255 кв.м майдондан ҳисобланган инфратузилма тўлови ундирилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Жавобгарга тегишли кадастр ҳужжатлари ва Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг маълумотига кўра, жавобгарнинг кадастр ҳужжатларига мувофиқ жавобгарнинг даъвогарга тегишли ҳудудда жойлашган савдо дўконларининг жами ер майдони 255 кв.м эмас, балки 128 кв.метрни ташкил этган.

Жавобгар даъвогарнинг ҳудудида жойлашган бино-иншоотнинг мулкдори ҳисобланади ва ундан қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган Дав-

лат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан ҳар йиллик тўловларнинг минимал миқдорлари талаби бўйича тўловлар кадастр ҳужжатларида кўрсатилган ҳақиқатда эгалланган ер майдони ҳажмидан келиб чиқиб ундирилиши лозим.

Бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик юзасидан жавобгардан у эгаллаган жами 128 кв.м майдондаги савдо дўкони учун 2014-2017 йилларда жами 23,1 млн. сўмлик тўловлар ундирилиши керак.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида шартнома тузилмаганлиги жавобгарни инфратузилма тўлови тўлашдан озод қилмайди ва шу сабабли тўлов ҳокимлик қарорларида белгиланган минимал миқдордан келиб чиқиб ҳисобланади. Ҳокимликнинг ҳар йил учун ставка ва тарифларни белгилаш юзасидан қабул қилган қарорлари бўйича ўша давр учун ҳисобланган тўловлар ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 302-моддаси биринчи қисмига асосан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисобланган, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Судлов ҳайъати қайд этилганларни эътиборга олиб, назорат шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларини ўзгартириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 46,1 миллион сўм инфратузилма тўлови ундириш қисмини 23,1 миллион сўмга, жавобгардан давлат божи ундириш қисмини ўзгартириш, даъвонинг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

10-1704/17133-сонли иш

**10. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахсининг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.**

Даъвогар масъулияти чекланган жамият (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) туман ҳокимиятига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, умумий майдони 1 739,65 кв.м бўлган ўзбошимчалик билан қурилган ишлаб чиқариш цеҳи ва бошқа бино-иншоотларига эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қаноатлантирилиб, МЧЖ томонидан қурилган биноларга туман ҳокимлиги томонидан эгалик ҳуқуқи белгиланган ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати туман бўлими зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач мазкур биноларни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган. Бино-иншоотларга нисбатан МЧЖга мулк ҳуқуқи белгиланиб, туман ҳокимлиги зиммасига қарор қонуний кучга киргач 30 кунлик муддат ичида мазкур бино-иншоотларни МЧЖ номига расмийлаштириш мажбурияти юклатилган.

Назорат протестида судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан далилларга етарлича ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги ҳақида важлар келтирилиб, суд қарорларини бекор қилиш ва даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати қуйидаги асосларга

кўра, МЧЖ вакилининг илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш, суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 3-бандида қарор қачонки, унда иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларини тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, асослантирилган ҳисобланиши, қарор иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва у далилларга унинг дахлдорлиги ва йўл қўйилиши, ишончлилиги ва етарлилик ҳақидаги Иқтисодий процессуал кодексининг 69-75-моддалари талабларини инobatга олган ҳолда асослантирилган бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасида мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси биринчи ва бешинчи қисмларига асосан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини



жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади, иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга умрбод мерос сифатида эгалик қилаётган, доимий эгалик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин.

Мазкур модданинг олтинчи қисмига кўра, башарти, ўзбошимчалик билан қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса, ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас.

Биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан даъво талабларини қаноатлантиришда мазкур моддалар талабларига риоя қилинмаган, даъво аризасида МЧЖнинг талабларга ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Хусусан, даъво аризасида МЧЖ қурилган бино-иншоотларига эгалик ҳуқуқини бериш ва жавобгар зиммасига умумий майдони 1 739,65 кв.м бўлган ер майдонида қурилган иморатларга эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан қурилган биноларга туман ҳокимлиги томонидан эгалик ҳуқуқини белгилаш ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати туман бўлими зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, мазкур биноларни давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилган.

Кассация инстанцияси суди томонидан эса даъво талабидан четга чиққан ҳолда бино-иншоотларга нисбатан МЧЖга мулк ҳуқуқи белгиланиб, туман ҳокимлиги зиммасига қарор қонуний кучга киргач 30 кунлик муддат ичида мазкур бино-иншоотларни МЧЖ номига расмийлаштириш мажбурияти юклатилган.

Бундан кўринадики судлар даъво аризасида сўралган талаблардан четга чиқиб, даъво талабларини қаноатлантириш тўғрисида қонунга зид қарорлар қабул қилишган.

Мазкур ҳолатда Фуқаролик кодексининг 164-моддаси талабларига кўра, мулк ҳуқуқи уч элементдан, яъни мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишдан иборат бўлиб, уларнинг барчаси мавжуд бўлгандагина мулк ҳуқуқи вужудга келишига судлар томонидан аҳамият берилмаган.

Ҳолбуки, Фуқаролик кодексининг 164-моддаси талабидан келиб чиқиб, даъво аризасида МЧЖнинг тасарруф этиш ҳуқуқисиз эгалигида ва фойдаланишида бўлган ноқонуний қурилмаларга эгалик ҳуқуқини бериш ва эгалик ҳуқуқини расмийлаштириш мажбуриятини юклаш сўралганлиги сабабли ҳам мазкур талабларни қаноатлантириш рад этилиши лозим эди.

Шу билан бирга, МЧЖ томонидан иккита номулкий талаб билан судга мурожаат қилинган бўлса-да, фақатгина битта талаб бўйича давлат божи суммаси тўланганлиги судлар томонидан аҳамият берилмаган. Бунда, ишни биринчи инстанция судида кўриш билан боғлиқ битта талаб бўйича давлат божи ундирилмаган бўлса, ишни кассация инстанцияси судида кўриш билан боғлиқ давлат божи суммаси умуман ундирилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида" 2007 йил 15 июндаги 161-сонли қарори 1-бандида суд томонидан қабул қилинган қарор моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, қайд этилган талабларга риоя этмаслик Иқтисодий процессуал кодексининг 279, 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкинлиги, суд томонидан Иқтисодий процессуал кодексининг 177-моддасида назарда тутилган барча масалаларни ҳал этмайдиган, юзаки, асослантирилмаган қарорларнинг қабул қилиниши мумкин эмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 322-моддаси биринчи қисмига мувофиқ суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

11-1707/2682-сонли иш

**11. Битимларнинг ҳақиқий эмаслигини исботлаш мажбурияти даъвогар зиммасига юклатилади. Битимни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги талаб судда исбот қилингандагина қаноатлантирилади.**

Акциядорлик жамияти акциядори фуқаро "Д" (бундай буён матнда даъвогар деб юритилади) судга мурожаат қилиб, жавобгар — фуқаро "М" (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади), қўшимча жавобгарлар — депозитарий МЧЖ ҳамда Суд ижрочилари бўлимига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, даъвогар ва жавобгар ўртасида қимматли қоғозларни сотиш юзасидан тузилган ва депозитарийда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Даъвогар даъво аризасида жавобгар томонидан унга тазйиқ ўтказилиб, алдов йўли билан шартнома тузишга эришганлиги, акциялар учун тўлов амалга оширилмаганлигини билдирган.

Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, даъвогар (сотувчи) ва жавобгар (сотиб олувчи) ўртасида қимматли қоғозларнинг олди-сотдиси бўйича шартнома тузилган. Ушбу шартнома депозитарийда рўйхатга олинган.

Мазкур шартномага кўра сотувчи, жамиятнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган 16 дона, номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган 16000 сўмлик акцияларни сотиш, сотиб олувчи 5 кунлик муддатда сотувчи билан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятини олган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган, шартнома ҳақиқий эмас деб топилган.

Сўнг ҳал қилув қароридан норози бўлган жавобгар Олий судга назорат тартибида шикоят билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция суди томонидан даъво асоссиз равишда қаноатлантирилганлигини баён қилган ва ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраган.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган даъвогар вакили суд мажлисига келмаган, иш юзасидан тушунтиришлар бермаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 123-моддаси биринчи қисмига кўра, алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келиши таъсирида тузилган битим, шунингдек фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар билан тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини

қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 14.1-бандида қайд этилишича, алдаш деганда, бошқа шахсга ёлғон маълумотлар тақдим этиш, шунингдек, битимни тузишга таъсир этувчи фактлар ҳақида сукут сақлаш йўли билан қасддан чалғитиш тушунилади, 14.3-бандига кўра, кўрқитиш таъсирида тузилган битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун битим тузишга мажбурлаш мақсадида шахс (унинг яқин қариндоши ёки яқин шахси)га руҳий таъсир кўрсатиш факти мавжуд бўлиши керак.

Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддаси биринчи қисмига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Юқорида кўрсатилган Пленум қарорининг 30-бандида битимларни ҳақиқий эмаслигини исботлаш мажбурияти даъвогар зиммасига юклатилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Аммо судлов ҳайъати томонидан иш ҳужжатларида даъвогар шартномани алдаш ёки кўрқитиш таъсирида тузилганлигини исботловчи далиллар мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати даъвогарнинг акция учун тўловлар жавобгар томонидан амалга оширилмаганлиги ҳақидаги важи билан ҳам келишмаган.

Чунки даъвогарнинг турмуш ўртоғи томонидан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судига тақдим этилган фуқаролар "М" ва "Д" (турмуш ўртоғи)га нисбатан улар ўртасида олди-сотди шартномасининг предмети бўлган 16 дона акциялар биргалиқдаги никоҳ даврида ортирилган мулк бўлганлиги, уларни сотишда унинг розилиги олинмаганлиги сабабли шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги иш кўрилган бўлиб, суднинг ҳал қилув қарори билан қимматли қоғозни сотишда эрнинг розилигини олиш талаб қилинмаслиги асосига кўра унинг даъвосини қаноатлантириш рад этилган.

Ушбу ҳал қилув қароридан фуқаро "Д"нинг акция эвазига фуқаро "М"дан 600 000 сўм пул олганлигини билдирган кўрсатмаси қайд этилган.

Биринчи инстанция суди томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя этилмаган ҳолда асоссиз ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Шу сабабли судлов ҳайъати томонидан ушбу хатолик тузатилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

16-1607/3722-сонли иш

## I. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА

**1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда йўл қўйилган қонун бузилишларини ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш тугатилиши лозим.**

Солиқ органи томонидан масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.О. ва бош ҳисобчиси Л.Д. солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмасдан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси биринчи қисми талабларини бузганлиги учун маъмурий иш қўзғатилиб, иш материаллари судга юборилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.О. ва бош ҳисобчиси Л.Д.га нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси биринчи қисми билан энг кам иш ҳақининг уч баравари 516 720 сўм миқдоридан жарима жазоси тайинланган.

Кассация инстанцияси судининг ҳал қилув қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан суд қарорлари бекор қилинган ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 11-бандига асосан иш бўйича иш юритиш тугатилган.

**2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида жабрланувчининг мол-мулкига етказилган зарарнинг қиймати юзасидан тарафлар ўртасида низо вужудга келса, маъмурий суд ҳуқуқбузарликнинг бу қисми бўйича тегишли қарор қабул қилмасдан, балки манфаатдор шахсларга ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим.**

Фуқаро Р.Д. 2018 йил 2 март куни соат 16:10 да ишончнома асосида бошқарувидаги фуқаро Ш.М.га тегишли "Ласетти" русумли давлат рақами 01 X 456 ВА автомашинани Учтепа туманидаги Фарҳод кўчаси бўйлаб Лутфий кўчаси томонга бошқариб кетаётганида, "Йўл ҳаракати

Масъулияти чекланган жамияти раҳбари ва бош ҳисобчисига нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилишига туман давлат солиқ инспекцияси камерал бўлими инспектори томонидан масъулияти чекланган жамияти солиқ ҳисоботларини кечиктириб топширганлиги ҳолати аниқланганлиги асос бўлган.

Бироқ солиқ ҳисоботлари ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддат ўтмасдан, шунингдек, маъмурий иш материаллари судга тақдим этилгунга қадар тадбиркорлик субъекти мансабдор шахслари томонидан солиқ органига тақдим этилган ва йўл қўйилган қонунбузилишлар ихтиёрий равишда бартараф этилган.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 271-моддаси 11-бандига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

қоидалари"нинг 64-банди талабларини бузган. Яъни фуқаро Р.Д. йўлни чап қарама-қарши йўналишига чиқиб кетиб қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи С.Л.нинг ишончнома асосида бошқарувида бўлган Д.Л.га тегишли "Нексия" русумли давлат рақами 01 F

896 КА автомашина билан тўқнашув содир этган.

Баҳолаш хулосасига кўра, "Нексия" русумли давлат рақами 01 F 896 КА автомашинага 8 600 000 сўм миқдоридан зарар етказилган ва 220 000 сўм баҳолаш учун тўлов амалга оширилган.

Биринчи инстанция судининг қарори билан фуқаро Р.Д. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 133-моддасига асосан айбли деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан 516 720 сўм жарима солинган ва фуқаро Р.Д.дан жабрланувчи Д.Л. фойдасига 8 600 000 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция суди қарорининг фуқаро Р.Д.га нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдоридан 516 720 сўм жарима солиш

қисми ўзгаришсиз қолдириб, ундирилган моддий зарар миқдорини 13 500 000 сўмга ўзгартирган.

Судлов ҳайъати томонидан биринчи ва кассация инстанцияси судлари қарорларининг фуқаро Р.Д.дан жабрланувчи Д.Л. фойдасига етказилган моддий зарарни ундириш қисми бекор қилинган ва суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган. Шунингдек, манфаатдор шахсга етказилган зарарни ундириш масаласи бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган.

Бунда судлов ҳайъати жабрланувчи Д.Л.га етказилган зарарнинг миқдорини аниқлашда тарафлар ўртасида низонинг мавжудлигига ва зарар фуқарога етказилганлигига асосланган.

## II. МАЪМУРИЙ ВА БОШҚА ОММАВИЙ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН НИЗОЛАРГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА

**3. Биринчи инстанция суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган, арз қилинган талаб бўйича эса, ҳал қилув қарори қабул қилмаган бўлса-да, апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўришда бу ҳолатларга эътибор берилмаган бўлса, назорат инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли.**

Фуқаро Р.О. шаҳар ҳокимлиги ва фуқаро М.С.га нисбатан маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳокимлик зиммасига "Мустақиллик" боғдорчилик жамиятининг 0,24 гектар ер майдонида жойлашган 51, 52, 61, 62-сонли дала ҳовлиларга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳамда 0,24 гектар ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қисман қаноатлантирилган. Ҳокимлик зиммасига "Мустақиллик" боғдорчилик жамиятининг 0,24 гектар ер майдонида жойлашган 51, 52, 61, 62-сонли дала ҳовлиларга нисбатан Р.О.нинг эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш масаласини муҳокама қилиш мажбурияти юкланган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция суди ҳал

қилув қарорининг давлат божи ундиришга оид қисми бекор қилинган, ҳокимлик ва М.С.дан 172 240 сўм солидар тартибда, шунингдек М.С.дан қўшимча 86 120 сўм давлат божи ундирилган. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми эса, ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда суд инстанциялари томонидан ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахс, яъни "Мустақиллик" боғдорчилик-узумчилик жамиятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳужжатлари қабул қилинганлигига ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар аниқланмаганлигига асосланган.

Жумладан, суд инстанциялари 2011 йил 29 декабрдаги шартномага кўра,

"Мустақиллик" боғдорчилик-узумчилик жамиятида жойлашган 51, 52, 61, 62-сонли дала ҳовлилар фуқаро Р.О. томонидан фуқаро М.С.га сотилганлигига ва ушбу кўчмас мулк объектлари ва улар жойлашган ер участкалари шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан М.С.нинг номига давлат рўйхатидан ўтказилганлигига, ушбу дала ҳовлиларга аъзолик дафтарчаси М.С.га берилганлигига эътибор бермаган.

Биринчи инстанция суди томонидан ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмасдан, низолашилаётган дала ҳовлилар айнан кимнинг тасарруфида эканлиги, уларнинг ҳақиқий эгаси, мулкдори асли-

да ким эканлиги аниқланмаган.

Бундан ташқари биринчи инстанция суди арз қилинган талаблар предмети-дан четга чиқиб, билдирилган иккинчи талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмаган, суднинг ҳал қилув қарорида аризанинг айнан қайси қисмини қанотлантириш рад этилганлиги кўрсатилмаган.

Шу сабабли судлов ҳайъати Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг (МСИЮТК) 244-моддаси тўртинчи қисми 4 ва 7-бандлари, 263-моддаси 2-бандига асосан, суд қарорларини бекор қилишни ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

**4. Нотариал идора мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар маъмурий суд судловига тааллуқли бўлганлиги сабабли, бундай ариза билан маъмурий судга мурожаат қилинганда, ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилади.**

Фуқаро А.С. туман нотариал идорасига нисбатан судга ариза билан мурожаат қилиб, туман 1-сонли нотариал идораси нотариусининг хатти-ҳаракатларини ғайриқонуний деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан аризани қабул қилиш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва кассация инстанцияси судларининг ҳужжатлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Биринчи инстанция суди бундай талаб маъмурий суд судловига тааллуқли эмас деб ҳисоблаб, Маъмурий суд ишларини

юритиш тўғрисидаги кодекснинг 133-моддаси биринчи қисми 1-бандини нотўғри қўллаб, А.С.нинг аризасини қабул қилишни рад этган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасига кўра, маъмурий суд нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Шу сабабли судлов ҳайъати суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборишни лозим топган.

**5. Давлат органининг меҳнат муносабатларига боғлиқ ҳужжатини бекор қилиш тўғрисида маъмурий судга ариза билан мурожаат қилинганда, суд низо бўйича иш юритишни меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ишлар фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқлилиги ҳамда судларда давлат органи ҳужжатини бекор қилиш эмас, балки ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар кўрилиши ҳақидаги асослар бўйича тугатади.**

2014 йил 15 октябрда фуқаро Л.Н. ўзига бириктирилган "Спарк" русумли

давлат рақами 80 456 АВС бўлган хизмат автомашинасида йўл-транспорт

ходисасини содир этган. Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан ўтказилган хизмат текшируви натижалари бўйича чиқарилган хулосага кўра, Л.Н. "Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида хизматни ўташ тўғрисида"ги Муваққат Низомнинг 69-моддасига асосан (номуносиб хатти-ҳаракатлар содир этганлиги учун) ички ишлар идоралари хизматидан бўшатилиши белгиланган. Ушбу хулосага асосан, вилоят ИИБнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 18-ш/т-сонли фармойиши чиқарилиб, унга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасига бевосита бўйсунувчи бўлинмалар алоҳида йўл-патруль хизмати отряди учинчи сафарбар гуруҳ йўл-патруль хизмати инспектори Л.Н. ишдан бўшатирилган.

Л.Н. ИИБнинг 2014 йил 15 октябрдаги хизмат текшируви хулосаси ҳамда вилоят ИИБнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 18-ш/т-сонли фармойишидан норози бўлиб, ички ишлар ва прокуратура органларига бир неча маротаба мурожаат қилган. Унинг мурожаатларига мазкур органлар томонидан рад жавоби берилган.

Шу сабабли Л.Н. ИИБ ва вилоят ИИБга нисбатан маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, ИИБнинг 2014 йил 15 октябрдаги хизмат текшируви хулосаси ҳамда вилоят ИИБнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 18-ш/т-сонли фармойиши ғайриқонуний чиқарилганлиги сабабли уларни бекор қилишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳужжатлари бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасида вужудга келган низо меҳнат муносабатларидан келиб чиққанлиги учун у маъму-

рий суд судловига тааллуқли эмас. Ваҳоланки, Фуқаролик процессуал кодексининг 26-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан, фуқаролик ишлари бўйича судга фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой, ер тўғрисидаги ва бошқа муносабатлардан юзага келадиган низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса, бундан қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар мустасно экани кўзда тутилади.

Олий суд Пленумининг "Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2018 йил 19 майдаги 15-сонли қарори 3-банди учинчи қисмига кўра, агар ариза маъмурий орган бўлмаган корхона, ташкилот, муассаса ҳужжатини ҳақиқий эмас, деб топиш ёки унинг мансабдор шахси ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) ғайриқонуний деб топиш тўғрисида берилган ёхуд ариза (шикоят) маъмурий органга нисбатан берилган бўлиб, аммо устидан шикоят берилаётган ҳаракат меҳнат муносабатларидан келиб чиққан бўлса, бундай талаблар маъмурий суд судловига тааллуқли эмас.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 1-бандига кўра, суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатади.

Аммо судларга давлат органлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузадиган ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисидаги эмас, балки уларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги низолар тааллуқлидир.

Шу боис судлов ҳайъати биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатларини бекор қилиб, арз қилинган талаблар бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.

**6. Аризачи туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилган бўлиб, туман ҳокимининг қарорининг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини судда исботлаб бера олмаса, суд унинг бу талабини қаноатлантиришни рад этади.**

Туман ҳокимининг 2016 йил 21 апрелдаги 402-сонли қарори билан "Гулшан" маҳалласида жойлашган умумий ер майдони 1120,0 квадрат метр, қурилиш ер ости майдони 290,70 квадрат метр, умумий хоналар сони 11 та 230,20 квадрат метр, яшаш хоналари сони 3 та 60,50 квадрат метрдан иборат турар жойга фуқаро Д.Р.нинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Туман ҳокимининг ушбу қароридан норози бўлиб, фуқаро Р.А. уни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб маъмурий судга ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топган.

Судлов ҳайъати бундай хулосага келишда туман ҳокимининг 2016 йил 21 апрелдаги 402-сонли қарори қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинганлиги, фуқаро Р.А.нинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслигига асосланган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманларо судининг 2014 йил 26 августдаги ҳал қилув қарори билан юқорида қайд этилган турар жой Р.А. томонидан қурилганлигини эътироф этиш ва ушбу турар жойга унинг эгалигини белгилаш тўғрисида қабул қилинган Сардоба тумани, "Мустақиллик" қишлоқ фуқаролар йиғинининг 2013 йил 22 августдаги қарори ва туман ҳокимининг 2013 йил 23 ноябрдаги 456-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилган, шунингдек, Р.А.нинг Д.Р. ва бошқаларни ушбу турар жойдан мажбурий тартибда кўчириш

тўғрисидаги талабини қаноатлантириш рад этилган.

2015 йил 24 февралда фуқаролик ишлари бўйича туманларо судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган. Мазкур ҳал қилув қароридан аниқланишича, Р.А. низоли турар жойда 1984 йилдан 1993 йилгача, яъни турмушга чиқиб, Туркманистон Республикасига доимий яшаш учун кетгунига қадар яшаб келган. У 1997 йилда Ўзбекистон Республикасига қайтиб, яна шу турар жойда 2012 йил 16 сентябргача яшаб келган. Акаси Д.Р. билан ўзаро жанжаллашиб қолгач, у уйдан чиқиб кетган. Шу боис ушбу суднинг ҳал қилув қарори билан фуқаро Р.А.нинг аризаси қаноатлантирилиб, у турар жойга киритилиб, турар жойнинг 5,65x3,70 квадрат метрдан иборат яшаш хонаси, даҳлиз, ошхона, зал, гараж, ҳожатхона ва боғ қисмидан умумий фойдаланиш тартиби белгиланган, холос.

Р.А.нинг ушбу турар-жой мулкдори эканлигини тасдиқловчи биронта далил мавжуд эмас.

Р.А. томонидан туман ҳокимининг 2016 йил 21 апрелдаги 402-сонли қарори қонун ҳужжатларига зидлиги, шунингдек, Р.А. ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлиги исботлаб берилмаган.

Ваҳоланки, Фуқаролик кодексининг 12-моддаси биринчи қисмига мувофиқ давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Шу сабабли судлов ҳайъати қуйи инстанция судларининг суд ҳужжатларини ўзгаришсиз қолдирган.

**7. Аризачи судга газ ташкилотига нисбатан газ истеъмоли учун асоссиз ҳисобланган қарздорликни олиб ташлаш ва газдан фойдаланувчи абонентни ўзгартириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талаблар билан мурожаат қилганда, низо фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанлиги учун бундай талаблар бўйича иш юритиш тугатилади.**

Фуқаро Д.К. Қарши шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 16-уйни фуқаро Р.А.дан 2017 йил 12 ноябрдаги олди-сотди шартномасига асосан сотиб олган ва 2018 йилнинг апрель ойига қадар у ерда яшамаган. Бироқ "Қаршишаҳаргаз" филиали ходимлари томонидан Д.К.га ушбу уй бўйича газдан фойдаланилган деб 860 000 сўм қарздорлик ҳисобланган. Д.К. газ ташкилоти ходимлари томонидан янглиш тарзда унга қарздорлик ҳисобланганлиги ва қарздорликни олиб ташлаш ҳамда ушбу уйни у олди-сотди шартномасига асосан сотиб олганлиги учун газдан фойдаланувчи абонент у ҳисобланиши ва абонент сифатида унинг номи киритилишини сўраб, филиал бошлиғига мурожаат қилган. Аммо Д.К.нинг мурожаати "Қаршишаҳаргаз" филиали мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилган.

Шу сабабли Д.К. "Қаршишаҳаргаз" филиалига нисбатан маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, филиал зиммасига газ истеъмоли учун асоссиз ҳисобланган 860 000 сўм қарздорликни олиб ташлаш ва қайд этилган уйни олди-сотди шартномасига асосан сотиб олганлиги учун газдан фойдаланувчи абонент у ҳисобланганлиги учун абонент сифатида унинг номини киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг қарори билан биринчи инстанция судининг

ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Судлов ҳайъатининг қарори билан биринчи ва кассация инстанцияси судларининг ҳужжатлари бекор қилиниб, иш бўйича иш юритиш тугатилган.

Мазкур ҳолатда Д.К.нинг газ ташкилотига газ истеъмоли учун асоссиз ҳисобланган қарздорликни олиб ташлаш ва газдан фойдаланувчи абонентни ўзгартириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги талаблари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо бўйича билдирилган талаблар ҳисобланади.

Ваҳоланки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26-моддаси биринчи қисмига асосан, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 108-моддаси 1-бандида суд иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса, иш юритишни тугатиши белгиланган.

Шу сабабли судлов ҳайъати биринчи ва кассация инстанцияси судларининг ҳужжатларини бекор қилиб, иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топган.



# Жиноят ишини юритиш жараёнида келиб чиқадиган процессуал чиқимлар

*уларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг долзарб йўналишлари*

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Унда процессуал чиқимларни қоплаш тартибини такомиллаштириш зарурлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган.

**Камолиддин МАВЛАНОВ,**

*Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси*

Маълумки, жиноят ишини юритиш умумий қоида тариқасида давлат ҳисобидан амалга оширилади. Лекин шундай вазиятлар ҳам бўладики, иш юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг функцияларига бевосита таллуқли бўлмаган харажатлар келиб чиқади ва улар харажатларнинг алоҳида тоифасини ташкил этади. Бу харажатлар эса, процессуал чиқимлар сифатида эътироф этилади. Шунингдек, процессуал чиқимларни иш юритиш билан боғлиқ бўлмаган жиноят натижасида етказилган зарарлардан фарқлаш лозим. Етказилган зарар фуқаровий даъво қўзғатиш ёки фуқаролик суд ишини юритиш орқали ундирилади.

Жиноят процессуал кодексининг 40-бобида назарда тутилган сарф-харажатлар турларини ифодалашда фойдаланилган "чиқим" атамасининг луғавий маъноси "сарфланган ёки сарфланаётган моддий маблағ, харажат, буромад"

деганидир. Иқтисодий нуқтаи назардан, "чиқим" сўзи фуқаролик муомаласининг бир иштирокчиси ҳисобидан иккинчи иштирокчиси ҳисобига ёки муайян ижтимоий муносабатлар учун келгусида ўрнини айнан шу турдаги ёки бошқача кўринишдаги моддий ашё воситасида қопланмаслик, қайтарилмасликни эътироф этган ҳолда сарфланадиган маблағлар ва моддий қийматлар шаклини англатади. Улар сарфловчининг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда зарурат юзасидан сарфланиб, келгусида ўрни муайян шаклда қопланмаса-да, лекин унинг натижасида сарфловчи маънавий-руҳий қониқиш, таскин олиши мумкин. Шу боис жиноят ишларини юритиш жараёнида сарфланадиган маблағларга чиқимлар мақомини бериш ҳам мантиқан тўғри эмас.

Ҳозирги вақтда процессуал чиқимлар доираси жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ белгилаб

қўйилган. Биз Жиноят процессуал кодексининг 318-моддасида назарда тутилмаган сарф-харажатларни чиқим сифатида эътироф эта олмаймиз. Лекин юқоридаги модданинг 1-қисми 8-бандини ўрганадиган бўлсак, унда процессуал чиқимларга "бошқа харажатлар" ҳам кириши назарда тутилган.

Харажатлар структурасига нафақат жиноят процессининг қайсидир босқичида процессуал ҳаракатларда қатнашиш ёки судда халқ маслаҳатчиси сифатида иштирок этиш учун асосий иш жойидан чақиртирилган ходимларга тўланадиган тўғридан-тўғри харажатлар, шунингдек, улар ўзларининг асосий иш фаолиятини олиб борганида яратиши мумкин бўлган маҳсулотга кетадиган харажатлар, яъни ўтказиб юборилган имкониятни ҳам инобатга олиш зарур.

Бундан ташқари баъзи тергов ҳаракатларини ўтказишда (масалан, тинтув, экспертиза тайинлаш, олиб қўйиш, тергов эксперименти) тергов ҳаракати ўтказилаётган шахснинг мол-мулкига шикаст етказилиши

мумкин. Шикаст етказилган мулкни қайта тиклаш ёки таъмирлаш харажатлари тергов ҳаракати кимга нисбатан ўтказилган бўлса, ўша шахс томонидан қопланади. Шундан келиб чиқиб, тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида бутунлай ёки қисман яроқсиз ҳолга келтирилган, жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа шахсларга тегишли бўлган ва уларни тиклаш учун муайян харажатлар қилишга сабаб бўладиган мол-мулкни тиклашга кетадиган процессуал чиқимларни қоплаш масаласини ҳам Жиноят процессуал кодекси нормаларида назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Процессуал чиқимлар институтининг мазмунан кенгайтиши унинг процессуал-ҳуқуқий таърифига ҳам янгича ёндашувни тақозо этиши табиий. Зотан, маҳаллий ва хорижий юридик манбалардаги суд харажатлари институтига берилган таърифлар процессуал чиқимлар институтининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Жумладан, А.Раҳмонқуловнинг фикрича, процессуал чиқимлар — жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунингдек, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш учун тўланадиган пул суммалари бўлиб, улар давлат томонидан тўланади.<sup>1</sup> Кўришиб турибдики, бунда процессуал чиқимлар доираси жиноят процессининг айрим иштирокчиларига улар ўз мажбуриятларини бажарганликлари учун, шунинг-

дек, ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш учун тўланадиган суммалар билангина чекланиб, улар орқали барча турдаги чиқимларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Рус процессуалист олимаси С.В.Бажанованинг фикрига кўра, процессуал чиқимлар — жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсдан ёки давлат бюджетидан ундириладиган ўзларининг жиноят-процессуал фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ харажатларидир.<sup>2</sup> Умуман олиб қараганда, процессуал чиқимларнинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қуйидагича хулосага келиш мумкин:

а) процессуал чиқимлар номини олган моддий сарф-харажатлар жиноят иши юритуви билан узвий боғлиқ;

б) процессуал чиқимлар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд, шунингдек, жиноят иши юритуви бошқа иштирокчилари (жабрланувчи, гувоҳ, уларнинг қонуний вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, холислар) томонидан қилинган харажатлар;

в) молиявий харажатлар бутун жиноят-ҳуқуқий фаолият давомида, жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлган ариза, хабар рўйхатга олинган вақтдан бошлаб, ҳукм, ажрим ижрога қаратилгангача бўлган даврда юзага келиши мумкин;

г) процессуал чиқимлар маҳкумлардан, алоҳида ҳолларда процесснинг бошқа иштирокчиларидан ёки давлат ҳисобидан ундирилади.

Шу ўринда хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилигига назар ташласак, иш юритиш жараёнида келиб чиқадиган харажатлар барча давлатларда тартибга солинган. Жумладан, Эстония Жиноят-процессуал кодексида бизнинг қонунчилигимизга ўхшаш нормалар борлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга, мазкур давлат қонунчилигида процессуал чиқимлар "Суд чиқимлари" номи билан юритилади. Мазкур ҳужжатнинг 87-моддасида суд чиқимлари қаторига "Айблов ҳукмига мувофиқ белгиланадиган мажбурий тўлов" киритилган. Мажбурий тўлов миқдори жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига боғлиқ бўлиб, агар шахс биринчи даражадаги жиноятни содир этгани учун айбланаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида; иккинчи даражадаги жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида; учинчи даражадаги жиноятни содир этишда айбланаётган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 баробари миқдоридаги суммани ташкил этади.<sup>3</sup> Бу маблағ миқдори кимдан ундирилиши кодексда аниқ белгиланмаган бўлса-да, мажбурий тўлов айнан судланувчидан ундирилиши норма мазмунига сингдирилган.

Словения Жиноят-процессуал кодексининг IX боби айнан жиноят ишларини юритишда келиб чиқадиган сарф-харажатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, унинг 92-моддасида харажатлар тоифаларга ажратилган. Бизнинг қонунчилигимиздан фарқли равишда унда айбланувчининг транспорт харажатлари, иш юритишга масъул шахсларнинг транспорт ва хизмат сафари харажатлари, айбланувчини ушлаш жараёнида юзага келадиган тиббий харажатлар ҳам жиноят иши юритуви чиқимлари сифатида кўрсатилган.<sup>4</sup> Муҳим жиҳати шундаки, иш юритиш жараёнида юзага келадиган сарф-харажатлар агентлик томонидан (funds of the agency) тўлиқ молиялаштирилади. Агентлик (иш юритувида масъул давлат идораси) ўзи қилган харажатларнинг рўйхатини иш материалларига илова қилади. Ишнинг якунида эса, бу ташкилот белгиланган шахслардан қилган харажатларини мажбурий ундиради.

Германия Федератив Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири бу — процессуал чиқимларга махсус боб ажратилиши билан бирга, ҳар бир чиқим тури алоҳида моддаларда тушунтирилган. Жиноят иши юритувидан келиб чиқадиган суд йиғимлари ҳукмда белгиланади. Суд харажатлари тўғрисидаги қонуннинг 1-илоvasи №3110 ff қондасида ижтимоий хавфли қилмишлар учун ундириладиган бож миқдорлари

аниқ кўрсатиб ўтилган.

Германия Федератив Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 51-банди (моддаси) судга чақирилганда ҳозир бўлмаслик оқибатлари ҳақида бўлиб, унга кўра, гувоҳ чақирилишига қарамасдан келишдан бош тортса, уни келтириш билан боғлиқ харажатлар унинг ўзидан ундирилади. Шу билан бирга, бундай гувоҳга нисбатан мажбурий жарима тайинланади.<sup>5</sup> Агар гувоҳ ўз вақтида мурожаат қилиб, узрли сабабини етарли маълумотлар билан изоҳлай олса, ундан чиқим ундирилмайди.

Сингапур Жиноят-процессуал кодексининг 357-моддасида белгиланишича, жиноят ишини юритиш жараёнида адвокатнинг малака-сизлиги туфайли нотўғри харажатлар қилинган бўлса, суд ишга масъул бўлган адвокатга нисбатан чора кўришга ваколатли. Бундай чора:

- мижознинг адвокатга ҳуқуқий ёрдам учун тўлайдиган суммасини бекор қилиш кўринишида;

- адвокатга мижознинг иш юритуви жараёнида ҳар қандай шахсга тўлаган суммаларини ва қилган харажатларини қоплаш мажбуриятини юклаш кўринишида мавжуд бўлади.

Шунингдек, жамоат прокурори томонидан қилинган харажатлар махсус фонд (Consolidated Fund) томонидан қоплаб берилади.<sup>6</sup>

Қисқаси, юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирамиз.

**Биринчидан,** Ўзбекистон

Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 318-моддаси биринчи қисмини қуйидаги мазмундаги 5<sup>1</sup>-банд билан тўлдириш таклиф қилинади:

**Жиноят ишини юритиш давомида жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа иштирокчиларга тегишли бўлган ашёларга зарар етказишдан келиб чиқадиган харажатларни қоплаш учун кетадиган сумма;**

**Иккинчидан,** процессуал чиқимларнинг яна бир тури бу — Жиноят процессуал кодексининг 50-моддасига мувофиқ судланувчи тўловдан озод қилинган тақдирда, юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдир. Кодекснинг ушбу нормасида судланувчининг тўловдан озод қилинганлик масаласи кўрсатилган. Лекин суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи билан давлат ҳисобидан таъминланган тақдирдаги сумма процессуал харажат ҳисобланадими ёки йўқми, очиқ қолган. Моҳиятан, бу тўлов ҳам давлат томонидан қоплаб берилганлиги сабабли Жиноят процессуал кодексининг ушбу моддасини гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи тарзида баён қилиш мақсадга мувофиқ.<sup>7</sup>

**Учинчидан,** жиноят ишларини тергов қилиш ва суд амалиётида шундай муаммоли ҳолатлар ҳам мавжудки, унга кўра, шахс жиноят иши бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этиш учун жалб қилинган

ҳолатда унга Жиноят процессуал кодексининг 52-моддасида назарда тутилган тартибда ҳимоя ҳуқуқи билан реал таъминлаш мақсадида ҳимоячи хизмати таклиф қилинади. Жиноят процессуал кодекси талаби бўйича шахсга ҳимоя ҳуқуқи реал таъминланганлигини тасдиқлаш учун жиноят ишига ҳимоячининг мунтазам иш бўйича ваколатли эканлигини ва ишда қатнашиш учун келганлигини билдирувчи ордер қўшилиши керак. Бунинг учун эса, ҳимоячига амалдаги Низом талаби асосида энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўлов тўланиши зарур. Ўз айбига иқдор, қилмишидан пушаймон, жиноят ишининг ҳолатлари очиқ-ойдин кўриниб турган ҳолатда ва шахс ҳимоячига муҳтож бўлмаган ҳамда ундан воз кечиш хоҳишида бўлган ҳолатларда ҳам реал ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш учун адвокат таклиф қилинади. Шахснинг молиявий аҳволи ўрганилган ҳолда ундан "ҳимоячи хизматидан воз кечишим менинг молиявий аҳволим билан боғлиқ эмас" мазмунида ҳимоячидан воз кечиш тўғрисида ариза олинади ҳамда ҳимоячининг бир кунлик иштироки учун юқорида қайд қилинган тўловни тўлаш мажбурияти гумон қилинувчи ёки айбланувчи зиммасига юкланмоқда. Бу эса, гумон қилинувчи ёки айбланувчи тартибда ишда иштирок этиш учун жалб қилинган шахсларнинг "ҳимоячи хизматидан воз кечиш учун ҳам харажат қилишим зарур-

ми?" — деган эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида ҳам, гарчи жиноят ишида судланувчининг суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида ҳимоячининг хизмати билан реал таъминланганлиги, адвокат ордери ва ҳимоячидан воз кечиш баённомаси мавжуд бўлса-да, судлар томонидан суд муҳокамаси бошланишидан олдин судланувчига яна ҳимоячи таклиф қилинади ва дастлабки тергов ва суриштирув босқичидаги ҳолат яна такрорланади. Бу эса, жиноят иши бўйича судланувчиларнинг ортиқча харажат қилишига, давлат бюджетига ортиқча зарар етишига, суд муҳокамасининг чўзилиб кетишига, адвокатлар томонидан ҳақиқатда ҳимоя хизмати амалга оширилмаган бўлса-да, асоссиз равишда тўлов олиш учун имконият яратмоқда. Шу сабабли, Олий суд Пленумининг тегишли қарорига **"судлар томонидан агар судланувчи дастлабки тергов ёки суриштирув босқичида ҳимоячи хизмати билан реал таъминланиб, ундан воз кечган бўлса, судланувчи ҳимоячи хизматига муҳтожлик билдирмаса, суд муҳокамаси даврида ҳимоячидан воз кечишни тасдиқлаш учун такроран ҳимоячи ишга таклиф қилиб, давлат бюджетига ортиқча харажатлар олиб келинишига йўл қўйилмасин"** деган мазмунидаги норма киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Албатта, одил судловни процессуал чиқимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, мазкур институт жиноят ишларини юритиш жараёнининг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлаш билан бирга, иштирокчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялашга қаратилгани боис, жиноят процессининг молиявий воситаси бўлиб хизмат қилади. Процессуал харажатларни жиноят ишини юритишга масъул органлар фаолиятини ташкил этишни моддий-техник жиҳатдан таъминлаб, унинг самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган, шунингдек, кўмаклашувчи иштирокчиларнинг моддий манфаатларини муҳофазалаш ва далилларни сақлаш, жўнатиш, тадқиқ этиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг моддий шартӣ сифатида хизмат қилувчи ҳамда шу мақсаддаги фаолият давомида келиб чиқадиган жиноят процессининг асосий вазифаларига мос бошқа сарф-харажатлар деб тавсифлашга асос бўлади.

<sup>1</sup> Султонов А. Процессуал чиқимлар. Илмий мақола. <http://huquqburch.uz/uz/view/679>.

<sup>2</sup> Бажанов С.В. Процессуальные издержки в уголовном процессе России: Текст лекций/ ВЮИ Минюста России. - Владимир, 2001. -С.36.

<sup>3</sup> <http://yurotdel.com/zakony/ugolovno-processualniy-kodeks-estonii.html>

<sup>4</sup> <https://www.policija.si/eng/images/stories/Legislation/pdf/CriminalProcedureAct2007.pdf>

<sup>5</sup> [https://www.gesetze-im-internet.de/englisch\\_stpo/englisch\\_stpo.html](https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stpo/englisch_stpo.html)

<sup>6</sup> <https://sso.agc.gov.sg/Act/CPC2010#pr355>

<sup>7</sup> Колоколов Н.А. Оплата труда адвоката за оказание юридической помощи по назначению: проблемы, обозначенные практикой // Уголовный процесс - 2006. - № 8. - С. 43.

# Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси

*унда идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги самарадорлигини  
ошириш масалалари*

*Мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида жамият ҳаётида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда қонунларнинг бевосита таъсири, роли ҳамда сифатини ошириш, қонун ҳужжатларида ҳаволаки нормаларни қисқартиришга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилди.*

**Эркин ҲАЙИТОВ,**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Академиясининг мустақил изланувчиси*

Хусусан, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш тартиби такомиллаштирилди, фракцияларнинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифларини депутатларга етказиш ҳамда ҳисобга олиш тартиби жорий этилди. Парламентнинг қонун ижодкорлик фаолиятининг илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди, қонун лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг таҳлилий қиёсий ўрганиш тартиби белгиланди. Қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни ишлаб чиқиш механизми тартибга солинди ҳамда қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатларини прогноз қилишнинг ҳуқуқий

асослари яратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш, кучга киритиш ва кенг омма эътиборига етказиш тартиби аниқлаштирилди, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиши учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилди. Қонунлар лойиҳаларини улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек,

тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асосиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш механизми жорий этилди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сонли "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган ҳамда 5 асосий бўлимдан иборат бўлган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида идоравий ҳуқуқ ижодкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур концепцияга мувофиқ, идоравий ҳуқуқ ижодкорлигида қуйидаги янгиликлар жорий этилди:

**биринчидан**, давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш ташаббусига фа-

катгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилади;

**иккинчидан**, қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар кучга кирган пайдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилади;

**учинчидан**, янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга таклиф этиладиган ўзгартишлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим;

**тўртинчидан**, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич камайтириш, шу жумладан, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмларини барта-раф этиш;

**бешинчидан**, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва "тартибга солиш гильотинаси" усулини қўллаш орқали қолган ҳужжатларни, шу жумладан, қонунчиликни тизимлаштириш доирасида ҳар бир идоранинг ваколатини босқичма-босқич камайтириш ва бекор қилишни назарда тутувчи, улар томонидан қабул қилинаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;

**олтинчидан**, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича ваколатларни бекор қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда ҳар бир идоранинг юрисдикцияси рўйхатини аниқ белгилаш йўли билан уларнинг норма ижодкорлиги ваколатларини чеклаш;

**еттинчидан**, идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифати, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, шунингдек, самарасиз тартибга солиш оқибатида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари кўрган фойда ва чиқимлардан (шу жумладан, зарар ва зиён) келиб чиққан ҳолда баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш;

**саккизинчидан**, фуқа-

роларнинг жамоавий ташаббусларини электрон тақдим қилиш ("Mening fikrim" веб-портали) тизимини ҳуқуқ нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга нисбатан фуқаролик ташаббусларини давлат органлари томонидан қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиб-таомилларини аниқлаштирган ва уларни кўриб чиқишга ваколатли органлар доирасини кенгайтирган ҳолда янада такомиллаштириш.

Шубҳасиз, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниши идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил этиш тартиби ва асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янада такомиллаштиришни талаб этади.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси доирасида вазирлик ва идораларнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш бўйича фаолияти қайта кўриб чиқилиши лозим. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги Ф-5239-сон "Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлашга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши 3-бандида Концепция доирасида тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш механизми-

ни жорий этиш орқали босқичма-босқич идоравий норматив ҳужжатларни қабул қилиш амалиётини тугатиш назарда тутилган.

Шу муносабат билан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мезонларини аниқ белгилаш, уларни қабул қилиш билан боғлиқ тартиб-қоидаларни содда-лаштириш мақсадга мувофиқ. Авваламбор, ушбу концепция доирасида Идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. "Йўл харитаси" доирасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш асосларини аниқ белгилаб бериш, бу борада идораларнинг ваколатларини босқичма-босқич қисқартириб бориш механизмларини кўзда тутиш зарур.

Зеро, айнан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жами норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимининг энг катта қисмини ташкил қилади. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини, уларнинг қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий мослигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришда бир

қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан**, идоравий норматив ҳужжатларида нормаларнинг асосий турлари — буйруқ, қарор, фармойиш, йўриқнома, тартиб, қоида, низом, кўрсатманинг ҳуқуқий моҳияти, қабул қилиш тартиби ва асослари, қайси ҳолларда қайси идоравий ҳужжат шаклини танлаш лозимлиги кабиларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини оширишнинг зарурий шарт сифатида режалаштириш фаолиятини тартибга солиш зарур. Идоравий норматив ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни қабул қилиш ҳар бир вазирлик ва идоранинг истиқболли ва жорий йил учун мўлжалланган режалари ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

**Учинчидан**, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида чеклашларни белгилаш жуда муҳим бўлиб, бу идораларнинг қоидага риоя этмаслигига чек қўйибгина қолмасдан, ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги беқарорликка барҳам беришга ҳам кўмаклашди. Бундай чеклаш воситалари сифатида қонун ҳужжатларида норматив тартибда ваколатлар доирасини аниқ белгилаш, шунингдек, уларга риоя этилиши ус-тидан назоратни амалга ошириш зарур.

**Тўртинчидан**, идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда "идоравий ҳужжат" ва "ички идоравий ҳужжат" каби тушунчалар қўлланилган бўлиб, уларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, келишиш ва қабул қилишнинг ягона тартиби белгилаб берилмаган. Ваҳоланки, ҳуқуқий ҳужжатларнинг энг кўп миқдори айнан ушбу ички идоравий ҳужжатлар ҳиссасига тўғри келади. Шу муносабат билан мазкур соҳада ягона услубиётни таъминлаш мақсадида, ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Мухтасар қилиб айтганда, Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий сиёсатини тубдан такомиллаштириш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини кўтариш, парламентнинг ҳокимиятлар тизимида ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда шу орқали халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилади.

# Жиноят процессида тафтиш ва экспертиза: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба

Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори<sup>1</sup> билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида судга қадар ва суд босқичида экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди.

## Д. КЕНЖАБОВ,

Тошкент давлат юридик университети,  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи  
кафедраси ўқитувчиси

Шу ўринда бевосита тафтиш қилиш ва экспертиза ўтказиш ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало, ушбу тушунчаларнинг моҳиятига эътибор қаратишимиз зарур. Хўш, тафтиш нима, у қандай ҳолатларда тайинланади? Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) — солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш<sup>2</sup> ҳисобланади, шунингдек, жиноят иши доирасида терговга қадар текширув ва тергов-суд жараёнида тергов ҳаракати шакли сифатида ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шаклида ўтказилади.

Экспертиза эса, иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича билими бўлган шахс ўтказадиган махсус текшириш орқали олиш мумкин бўлган тақдирда, ўтказилиши шарт бўлган тергов ҳаракати ҳисобланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидан жиноят иши қўзғатилгунига қадар тафтишни тайинлашга фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл

қўйилиши мумкинлиги белгиланган. Аммо бу ҳолатлар бирор-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинмаган. Бу эса, ҳуқуқни қўлловчи субъектлар томонидан жиноят ҳақида ҳар қандай маълумот келиб тушса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашига олиб келиши ўз-ўзидан равшан.

Қайд этиш керакки, Жиноят-процессуал қонунчилигидаги мазкур бўшлиқ "Тадбиркор йўлига тўсиқ бўлишни давлат сиёсатида хиёнат, деб қабул қилиш"<sup>3</sup> Президент сиёсати даражасига чиққан бир вақтда Ҳаракатлар стратегиясида ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси бирмунча қийинлашишига олиб келиши мумкин.

Шу боисдан, жиноят процессида тафтиш ўтказишда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Жиноят-процессуал кодексининг "Тадбиркорлик субъектларини тафтишдан ўтказиш шартлари" деб номланган 187<sup>4</sup>-моддасини қуйидаги таҳрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф қилинади: **"Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тафтиш қилиш тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра, мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин"**. Бу билан, биринчидан, Солиқ кодексининг 87-моддасида белгиланган норма билан Жиноят-процессуал кодексининг нормаси унификациялаштирилса, иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари бирлашмаларининг битта аъзоси бўлган



тадбиркорлик субъекти фаолиятини тафтиш қилиш жараёнида бошқа аъзоларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга эришиш мумкин.

Чунончи, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 42-моддасида белгиланганки, фаолиятни чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш каби ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тадбиркорлик субъектларига фақат суд тартибида амалга оширилади. Мазкур меъёр билан мазмунан бир хил нормалар Солиқ кодексининг 95-моддаси 2-қисмида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 3619-сон Фармони<sup>4</sup> 1-бандида ҳам назарда тутилган. Аммо Жиноят-процессуал кодексида тафтиш ўтказиш жараёнида тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатларни олиб қўйишнинг суд тартиби белгиланмаганлиги сабабли, кодекснинг 187<sup>5</sup>-моддасини қуйидаги мазмундаги саккизинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: **"Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суднинг ажрими билан амалга оширилади"**. Бу норманинг киритилиши тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Юқоридаги норманинг Жиноят-процессуал кодексига киритилиши тафтиш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйишни суд орқали амалга оширишнинг процессуал тартибини ишлаб чиқишни ҳам тақозо этади.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексида тафтиш ўтказиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлардан яна бирини кодекснинг 87-моддасида далиллар "... экспертиза ва тафтиш тайинлаш ..." йўли билан тўпланиши, 86-моддасида исбот қилишда иштирок этишга "...экспертлар, мутахассислар ..." жалб этилиши белгиланганида кўриш мумкин. Жиноят-про-

цессуал кодексининг 187<sup>3</sup>-моддасида тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахслар сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг, давлат солиқ хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг **мутахассислари** иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган. Демак, мутахассис исбот қилиш иштирокчиси бўлиб, унинг тафтиш юзасидан тузадиган далолатномаси ёки хулосаси эса, далил манбаи сифатида хизмат қилади. Лекин унинг жиноят-процессуал мақомини эксперт билан таққослайдиган бўлсак, эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлиги, узрсиз сабабларга кўра, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига биноан, унга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Аммо, мутахассиснинг нотўғри хулоса берганлиги учун ҳуқуқий таъсир чораси назарда тутилмаган. Ваҳоланки, терговга қадар текширувда тафтишни ўтказган мутахассиснинг нотўғри хулоса бериши асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилишига олиб келиши, дастлабки тергов давомида шахсга нотўғри айблов қўйилиши ва асоссиз жавобгарликка тортиш, судда эса, ҳукм қилишга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари бундай ҳолат тадбиркорлик субъектининг фаолиятига асоссиз аралашишга, тўхтатиб қўйишга, чеклашга ҳам сабаб бўлади.

Мазкур ҳолатларга тўхталган В. И. Галушкин ҳам тафтиш жараёнида иштирок этувчи мутахассиснинг жавобгарлиги масаласини қайта кўриб чиқишни таклиф қилган.<sup>5</sup>

Жиноят ишларини юритишда экспертиза тергов ҳаракати бўйича миллий қонунчилик таҳлили ҳам бир қатор муаммоли ҳолатлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан, терговга қадар текширув жараёнида гумон қилинаётган шахснинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги ҳуқуқларини таъминлаш масаласидир. Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддаси талабларига кўра, гумон қилинув-

чи ва айбланувчи экспертиза ўтказилгунга қадар экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан танишиб чиқиш ва ўзига берилган ҳуқуқлар тушунтирилиши талаб қилиш; экспертни рад этиш; ўзи кўрсатган шахслар орасидан эксперт тайинланишини илтимос қилиш; эксперт хулоса бериши учун унинг олдига қўшимча саволлар қўйиш, қўшимча материаллар тақдим этиш; экспертиза ўтказилаётганда суриштирувчи, терговчининг рухсати билан ҳозир бўлиш, экспертдан текширув вақтида қўллаётган усулларининг ва олинган натижаларнинг моҳиятини тушунтириб беришни талаб қилиш, экспертга тушунтиришлар бериш; эксперт хулосаси билан танишиб чиқиш ва қўшимча ёки қайта экспертиза ўтказиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур модда мазмуни гумон қилинган шахсга ушбу ҳуқуқлардан терговга қадар текширувда фойдаланиш имконини бермайди. Терговга қадар текширувда ҳуқуқбузарлик содир этишда гумон қилинаётган шахснинг экспертиза тайинлаш ва ўтказишда фойдаланиши лозим бўлган юқоридаги ҳуқуқларга эга эмаслиги охир-оқибат дастлабки терговда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилишига олиб келади. Масалан, қасддан тан жароҳати етказилгани юзасидан ички ишлар идорасига келиб тушган ариза бўйича қонуний тўхтама келиш учун жароҳат олган шахсга нисбатан суд-тиббий экспертизаси тайинланиши лозим. Экспертиза хулосасига кўра, жароҳатнинг оғирлик даражаси жиноят иши қўзғатишни тақозо этган тақдирда, жиноят иши қўзғатилиб, жароҳат етказган шахс жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилиб, сўроқ қилинади ва терговга қадар текширув давомида расмийлаштирилган экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор ҳамда экспертиза хулосаси билан таништирилади. Аксарият ҳолларда жиноят иши бўйича айблов хулосасида терговга қадар текширув жараёнида расмийлаштирилган экспертиза хулосасига асосланилади. Демак, гумон қилинувчи ва айбланувчининг экспертиза тайинлаш ва ўтказишдаги

ҳуқуқлари таъминланмайди, чунки гумон қилинувчи ва айбланувчининг бу жараёндаги асосий ҳуқуқлари экспертиза ўтказишдан олдин таъминланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тафтиш қилиш бирорта давлатда алоҳида тергов ҳаракати сифатида мавжуд эмас. Масалан, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида тафтиш жиноят ҳақида келиб тушган хабарни текшириш даврида ўтказилиши мумкин бўлган ҳаракат сифатида мустаҳкамланган. Лекин уни кимлар ўтказиши, мезонлари ва тартиб-таомиллари, тафтиш натижаларининг далилий аҳамиятлари Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида ҳам мустаҳкамланмаган.

Бошқа бир қатор хорижий давлатларда ҳам жиноят процессида тафтиш қилиш мавжуд эмас, балки унинг ўрнига суд-бухгалтерия ва суд-иқтисодий экспертизалари қўлланилади.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида экспертиза ўтказилиши лозим бўлган ҳолатлар 6 та бандда кўрсатилган бўлиб, шулардан биттаси, яъни 18 ёшдан ошган ва 14 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахснинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсда педофилия аломатлари бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида унинг руҳий ҳолатини текшириш учун экспертиза ўтказилиши шарт бўлганлик ҳолати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг умумий даражаси, унда жинсий жиноятларнинг улуши ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилган ҳолда ўрганиш йўли билан ушбу бандни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Россия Федерацияси жиноят процессуал қонунчилигида, жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқишни тезлаштириш ҳамда оптималлаштириш масалалари доирасида буни рўёбга чиқариш учун дастлабки берилган му-

тахассис хулосаси асосли бўладиган ва унга нисбатан процесс иштирокчилари томонидан эътирозлар мавжуд бўлмаса, шунингдек, экспертиза ўтказилишини тақозо қилувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса, экспертиза ўтказмасдан ишни кўриб чиқиш тартиби белгиланган. Бу эса, ишларнинг қисқа муддатларда кўриб чиқилиб, ҳал қилинишини таъминламоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ҳам жиноят ишларини кўриб чиқишнинг янги тартиб ва таомиллари доирасида бу масалани кўриб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

**Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексида**, "жиноят ишларини юритишнинг оқилона муддати" принципи даражасида мустаҳкамланган ва экспертиза текширувлари ҳам "оқилона муддатда" ўтказилиши ва хулоса тақдим қилиниши белгиланган бўлса, миллий қонунчилигимизда ушбу мазмундаги норма мавжуд эмас.

**Эстония давлати қонунчилигида**, экспертизани давлат муассасаларидан ташқарида ўтказишнинг тартиби белгиланган бўлиб, бунда экспертизани давлат муассасасида ўтказишнинг имкони бўлмаганида уни бошқа муассасада ўтказишга рухсат берилади. Муҳим жиҳати шундаки, бу муассаса давлат томонидан аккредитация қилинган бўлиши лозим. Шу билан бирга, муассаса ва экспертиза ўтказишни тайинловчи орган ўртасидаги келишувга кўра, уни ўтказиш муддатлари ва шартлари белгиланиши мумкин.<sup>6</sup>

**Қозоғистон Республикасида эса**, маълум масала бўйича судга қадар иш юритиш жараёнида татқиқ қилиш ва хулоса бериш учун мутахассис жалб қилинади. Тарафлардан бири мутахассис томонидан берилган хулосага норозилик билдирадиган бўлса, бу ҳолатда экспертиза тайинланади (Қозоғистон Республикаси ЖПК 84-модда).<sup>7</sup>

Энди мавзуну янада кенгроқ таҳлил қиладиган бўлсак, **Буюк Британия ва АҚШ** қонунчилигида жиноят процессида экспертиза ўтказишда махсус билимлардан фойдаланишнинг уч хил шакли мавжуд:

- тарафлар томонидан экспертларни жалб қилиш — экспертиза ўтказиш ёки консультация бериш мақсадида (expert witness);

- суднинг ташаббуси билан экспертиза ўтказиш ёки консультация олиш мақсадида экспертни жалб қилиш;

- тергов даврида махсус билимга эга шахсни исботлаш иштирок этиш учун алоҳида тадқиқ қилиш шарт бўлмаган маълумотларни йиғиш учун жалб қилиш.<sup>8</sup>

Демак, АҚШ қонунчилигига кўра, тортишувчи тарафлар, яъни айблов ва ҳимоя тарафлари судга ўзларининг экспертларини таклиф қиладилар ва бу экспертлар судда тарафнинг гувоҳи сифатида сўроқ қилинади. Айблов тарафнинг эксперти жиноят жойидан текширувлар учун намуналар олади ва уларни мутахассислар лабораториясига (криминалистик лаборатория) тақдим этади. Ўз ўрнида, тарафларнинг экспертлари ўртасида маълумотлар алмашинуви ҳам бўлади.

Криминалистик лаборатория бу — ҳеч бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибига кирмайдиган, бевосита мустақил, лекин ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган учун мурожаат қилиш эркин бўлган муассаса ҳисобланади. Бошқача айтганда, уни одил судловни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этадиган, хусусан, илмий ҳолисликни таъминлашга қаратилган ташкилот сифатида баҳолаш жоиз.<sup>9</sup>

Шунингдек, **АҚШ ва Британия** қонунчилигида экспертизани ўтказишнинг қонун билан муддати белгиланмаган бўлиб, бу муддат экспертиза ўтказишни тайинловчи орган ва экспертиза ўтказувчи муассаса ўртасида келишувга кўра, ҳал қилинади.

Экспертларнинг ўз лавозимларига тайинланиши ва иш юритиш тартибини ўрганиш шуну кўрсатадики, **Франция ва Нидерландия** давлатларида экспертларнинг ягона давлат реестри мавжуд бўлса, **Германияда** ягона реестр мавжуд бўлмасдан, экспертлар реестри давлат томонидан ваколат берилган муассасалар томонидан шакллантирилади. Масалан, архитекторлар ассоциацияси,

муҳандислар ассоциацияси, савдо-санот ат палатаси ва бошқалар.

**Германия, Нидерландия ва Франция** давлатларида эса, экспертизани ўтказиш муддати уни тайинлаган органлар томонидан белгиланади.<sup>10</sup> Францияда белгиланган муддат, агар бу вақтда экспертизани тамомлаш имкони бўлмаса, экспертнинг илтимосномасига кўра, бу муддат узайтирилиши мумкин. Айни вақтда, эксперт экспертизани ўз муддатида ўтказа олмаган ҳолларда у зудлик билан бошқа экспертга алмаштирилишига рухсат этилади. Бундай ҳолда эксперт ўтказган тадқиқоти билан боғлиқ барча маълумотларни янги тайинланган экспертга бериши, 48 соат ичида унга экспертиза ўтказиш учун тақдим қилинган барча объектлар, далиллар ва ҳужжатларни қайтариши зарур.

Шунингдек, **Германияда** эксперт экспертиза муддатидан кечикса ёки уни амалга ошира олмаса, молиявий жаримага ҳам тортилиши мумкин.<sup>11</sup>

Юқорида баён этилган маълумотлар асосида судга қадар ва суд босқичида экспертиза ўтказиш ва тафтиш қилишнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш масалалари бўйича қуйидагиларни илгари суриш мумкин:

**биринчидан**, жиноят иши қўзғатилгунга қадар тафтиш ўтказишни тадбиркорлик субъектларига нисбатан тақиқлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан жиноий фаолият олиб борилаётганлиги тўғрисида берилган маълумотни текшириб чиқишнинг бошқа механизmlарини ишлаб чиқиш;

**иккинчидан**, жиноят иши доирасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тафтиш қилиш тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра, мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилишини мумкинлигини белгилаш;

**учинчидан**, тафтиш натижаларидан тафтиш ўтказилган субъект норози бўлган тақдирда, қайта ёки қўшимча тафтиш тайинламасдан суд-бухгалтерия ёки суд иқтисодий экспертизаларини тайинлаш тартибини қонунчиликда мустаҳкамлаш;

**тўртинчидан**, тафтиш жараёнида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳужжатларни олиб қўйиш тартибини аниқ белгилаш;

**бешинчидан**, экспертиза ўтказиш муддатларини қонунчиликда аниқ кўрсатиш;

**олтинчидан**, мутахассиснинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва нотўғри фикр берганлиги, тафтиш далолатномасини била туриб нотўғри тузганлиги учун жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш.

Ушбу масалаларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида тўғри ҳал қилиниши ва мукамал ўз аксини топиши, тафтиш ҳамда экспертиза жараёнида инсон, жамият ва давлатнинг қонуний манфатлари таъминланишига, одил судловнинг қарор топишига мустаҳкам замин яратади, деган фикрдамиз.

<sup>1</sup> <http://www.lex.uz/docs/3735818>

<sup>2</sup> "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2010 й., 37-сон, 314-модда, 51-сон, 485-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 41-сон, 543-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда

<sup>3</sup> Конституция — эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <http://uza.uz/oz/documents/konstitutsiya-erkin-va-farovon-ayetimiz-mamlakatimizni-yanad-08-12-2017>

<sup>4</sup> <http://www.lex.uz/docs/613354>

<sup>5</sup> Галушкин В.И. Ревизия и судебно-бухгалтерская экспертиза при расследовании уголовных дел. <https://www.sgu.ru/archive/old.sgu.ru/files/nodes/9640/34.pdf>

<sup>6</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Эстонской Республики. Издатель: Рийгикогу. 2018.

<sup>7</sup> [https://zakon.uchet.kz/rus/docs/Z970000206\\_](https://zakon.uchet.kz/rus/docs/Z970000206_)

<sup>8</sup> Bowers M. Forensic testimony: science, law and expert evidence. USA: Elsevier. 2014. P. 61.

<sup>9</sup> Bowers M. Forensic testimony: science, law and expert evidence. USA: Elsevier. 2014. P. 82.

<sup>10</sup> Meintjes-van der Walt L. Expert evidence in the criminal justice process: a comparative perspective. Amsterdam: Rozenberg Publishers, 2001. P. 67.

<sup>11</sup> Филимонов Б.А. Основы теории доказательств в германском уголовном процессе. М.: Спарк, 1994. С. 113.

# Усиление роли юридической службы по оказанию правовой поддержки экономики и торговли

**Д. ХАБИБУЛЛАЕВ,**

*заведующий кафедрой Ташкентского государственного юридического университета, к.ю.н., доцент*

**А. ХАЙРУЛИНА,**

*преподаватель Ташкентского государственного юридического университета*

**Мировая экономика представляет собой комплекс инфраструктур, в котором ключевую роль на современном этапе занимают юридические услуги.**

Невозможно представить себе заключение коммерческих сделок без участия юристов, чья роль становится ключевой в вопросах заключения международных договоров между представителями ряда стран, имеющих собственное нормативное поле и зачастую требующее грамотного сопоставления норм национального и международного права для соблюдения интересов всех участников сделок.

Подобные условия порождают повышенный спрос на юридические услуги, от качественного оказания которых во многом зависят такие сектора экономики как корпоративная реорганизация, приватизация, право на интеллектуальную собственность, новые финансовые инструменты и антимонопольное право.

В результате только за 2012 - 2016 годы рост продаж юридических услуг на мировом юридическом рынке составил 2,2 процента.

Крупнейшим региональным рынком юридических услуг были и остаются Соединенные Штаты. Они же являются единственным мировым драйвером всех тенденций его изменения. Если юридические услуги начинают плохо продаваться в США, то это автоматически изменяет всю картину глобального рынка. Доля юристов США в глобальном рынке составляет более 50 процентов, в то время как доля Европы — всего 26,8 процента, а азиатского рынка — только 14,3 процента.<sup>1</sup>

Рынок юридических услуг является одним из концептуальных вопросов, влияющим на развитие современной мировой экономики. Этот вопрос находится в центре внимания и в Республике Узбекистан.

Сегодня Узбекистан стремительно развивается и проводит реформы для формирования нового облика страны. В целях повышения эффективности проводимых реформ была принята Стратегия действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

Одним из важнейших направлений Стратегии является обеспечение верховенства закона и дальней-

шее реформирование судебно-правовой системы.

Стратегия — это программа реальных действий обновления. Она уже претворяется в жизнь. Проведены реформы в судебной системе, адвокатуре, внесены изменения в законы, регулирующие финансовую, экономическую, трудовую, налоговую и предпринимательскую деятельность. Например, важным изменением в судебно-правовой системе стало образование Высшего судейского совета Республики Узбекистан объединение Верховного суда.

Следует также подчеркнуть, что развитие судебно-правовой системы подразумевает и развитие института адвокатуры. В обеспечение защиты прав и законных интересов физических и юридических лиц, приняты меры по повышению роли института адвокатуры. Например, 11 октября 2018 года принят Закон "О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с совершенствованием системы оказания юридической помощи и правовых услуг".

В частности, адвокат может заниматься деятельностью в качестве патентного поверенного и медиатора, работника юридической службы государственных органов, органов хозяй-

ственного управления, государственных предприятий, учреждений и организаций на договорно-правовой основе. Также, адвокат наделен полномочиями судьи в третейских судах и международных коммерческих арбитражах (судах).

Реформирование института адвокатуры послужило также введению нового порядка, упростившему доступ к профессии адвоката. Согласно новому закону, лицо, прошедшее трехмесячную стажировку имеет возможность получить лицензию адвоката (ранее стажировка продолжалась 6 месяцев). При этом лицо, имеющее стаж по юридической специальности не менее трех лет в качестве работника юридической службы государственных органов и различных компаний, в должности судьи, следователя, дознавателя или прокурора вправе участвовать в квалификационном экзамене без прохождения стажировки в адвокатском формировании.

Престиж и профессиональный уровень адвоката подтверждается еще одним новшеством. Определены сроки осуществления исполнения запроса адвоката и административная ответственность за несвоевременное реагирование на данные запросы. Также, был усилен правовой статус адвокатов, предоставлены дополнительные гарантии их деятельности, адвокат вправе беспрепятственно проносить в здания судов компьютерные, мобильные и иные коммуникационные устройства для

осуществления своей профессиональной деятельности.

По состоянию на 1 июля 2018 года в системе Палаты адвокатов работает 4026 адвоката. Учитывая количество населения, данный показатель очень низок по сравнению с другими странами. Например, в Узбекистане на одного адвоката приходится 8000 граждан, а в Соединенных Штатах Америки на одного адвоката приходится 256 американцев, во Франции 1403 человек, в Германии 500 человек, в Казахстане 3900 человек. Говоря о нашей стране, можно сказать, что число действующих адвокатов недостаточно для охвата квалифицированной юридической помощью всего населения Узбекистана.

В целях дальнейшего укрепления законности в деятельности государственных органов и организаций, последовательного усиления роли и ответственности юридической службы принято постановление Президента Республики Узбекистан от 19 января 2017 года "О мерах по коренному совершенствованию деятельности юридической службы".

На сегодняшний день деятельность юридической службы характеризуется ведением договорно-правовой и претензионно-исковой работы, обеспечением надежной защиты имущественных и иных интересов государственных органов и организаций, коммерческих и некоммерческих организаций, а также, междуна-

родных корпораций и компаний по подготовки дел и участия в судебных разбирательствах.

Принимая во внимание роль юридической службы и правовой поддержки бизнеса, следует особо отметить деятельность Торгово-промышленной палаты в республике, которая ведет активную деятельность по поддержке субъектов, как малого, так и крупного бизнеса. В Палате успешно осуществляется деятельность по оказанию правовой помощи в подготовке бизнес-планов и учредительных документов, поиске бизнес партнеров, заключение контрактов, защите интересов и др. Членство в Палате является добровольным для субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, а для других субъектов предпринимательства — обязательным.

Особо хотелось бы отметить тот факт, что в 2017 году в Узбекистане был учрежден институт Уполномоченного при Президенте Республики Узбекистан по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства — бизнес омбудсман. Данный институт способствует внедрению новых механизмов эффективного диалога между субъектами предпринимательства и государственными органами, созданию дополнительных гарантий государственной защиты прав и законных интересов субъектов предпринимательства. В целях качественной реализации возложенных задач, омбудсман

уже провел встречи с 4700 предпринимателями, обращения и предложения более чем 50 предпринимателей были решены положительно.

В Узбекистане осуществляются кардинальные перемены в социально-экономической и политической жизни, а также, происходят важные исторические события. Важнейшим вектором преобразований является либерализация экономической системы, создание благоприятного инвестиционного климата. Например, республика стремительно создает благоприятные условия для инвесторов-новаторов, вкладывающих в экономику страны не только финансовые, но и интеллектуальные инвестиции.

На сегодняшний день в стране реализуются 649 инвестиционных проектов, заключены межгосударственные договоры по развитию торгово-экономического сотрудничества с Китаем, Россией, Республикой Корея, Турцией, Казахстаном и Кыргызстаном.

Так, за последние 5 лет рейтинг Республики Узбекистан в ежегодном отчете Всемирного банка и Международной финансовой корпорации "Ведение бизнеса" улучшился более чем в 2 раза — с 166-места в 2012 году до 74-места в 2017 году среди 190 стран мира. При этом в последнем докладе Узбекистан вошел в первую десятку стран-реформаторов по показателю создания наиболее благоприятных условий для ведения бизнеса.

Безусловно, в настоящее

время в Узбекистане более распространенной, совершенной и эффективной является судебная форма защиты нарушенных или оспариваемых прав и законных интересов. Сегодня не вызывает сомнения тот факт, что число, сложность и масштабность споров увеличивается настолько, что судебная система объективно не способна обеспечить их надлежащее разрешение.

С развитием торгово-экономических отношений, заключением нашими субъектами предпринимательства внешнеэкономических контрактов, является естественным возникновение международных коммерческих споров. В современной международной практике существует система альтернативных способов разрешения таких споров, в которых самым актуальным и развивающимся является международный коммерческий арбитраж. Объяснением этому служат те реальные преимущества, которые арбитраж смог продемонстрировать международным контрагентам. Международный коммерческий арбитраж в Узбекистане находится на стадии развития.

В нашей стране функционирует международный коммерческий арбитраж, который пока не отвечает международным требованиям и стандартам. С момента организации, то есть с 2012 года до настоящего времени в международном арбитраже при Торгово-промышленной палате Узбекистана рассмотрено

всего 6 дел. Исходя из указанного, ключевым шагом в развитии данного направления стало принятие Указа Президента от 1 августа 2018 года №УП 5495 "О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан". В приложении Указа предусмотрено разработка проекта Закона "О международном коммерческом арбитраже"<sup>2</sup> который ответит функционирование международного коммерческого арбитража, отвечающего всем международным требованиям и стандартам. Все это в дальнейшем поможет усилить механизмы защиты интересов всех субъектов предпринимательства, осуществляющих внешнеэкономическую деятельность.

В частности, институт арбитража представлен третейскими судами, созданными в Узбекистане в 2006 году с принятием Закона "О третейских судах". В настоящее время в Узбекистане зарегистрировано 231 третейских судов, в которых осуществляют свою деятельность 654 третейских судьи.<sup>3</sup>

Из года в год растет число обращений граждан и субъектов предпринимательства по разрешению споров в третейских судах.

К примеру, за период с 2007 по 2017 года третейскими судами при Торгово-промышленной палате Узбекистана, было рассмотрено 10446 дел на сумму иска 54,2 млн. долл. США. Вместе с тем, в 2017 году было рассмотрено 2465

дел, что по сравнению с 2016 годом на 1204 дел больше.<sup>4</sup>

В стране принимаются активные меры по развитию альтернативных способов разрешения споров, в частности медиация. Так, в 2018 году в Узбекистане был принят Закон "О медиации". Цель данного закона заключается в создании правовых условий для развития в государстве альтернативных способов урегулирования споров, снижение нагрузки на судебную систему страны.

В рамках реформ были внесены концептуальные изменения в уголовное законодательство Республики Узбекистан. В частности, в отношении лиц, занимающихся предпринимательской деятельностью, не будет назначаться наказание в виде лишения права на занятие предпринимательской деятельности.

Ещё одним новшеством является возможность оказания юридических консультационных услуг коммерческими организациями без получения лицензии, что позволяет иностранным юридическим компаниям открывать юридические консалтинговые компании в Республике Узбекистан. Это позволит поднять на новый уровень сотрудничество между странами в сфере юридических услуг.

Проводимые в стране реформы, значительный прилив иностранных инвестиций, развитие экспорта и вхождение многих транснациональных корпораций приводит к тому, что на

рынке юридических услуг Узбекистана все больше открываются офисы международных юридических компаний. Так, на сегодняшний день в Узбекистане ведут свою деятельность такие юридические компании, как "White & Case", "Dentons", "Prae Legal", "Merritz", "Grata" и др. Также многие крупные национальные коммерческие структуры сотрудничают с такими международными юридическими компаниями как "Baker McKenzie", "Hogan Lovells", "Vinson & Elkins" и др.

Министерство юстиции Узбекистана и "White & Case" подписали два документа. В рамках одного из документов стороны будут работать по совершенствованию правовой базы, а в рамках второго — участвовать в делах по коммерческим спорам. Стороны будут работать над вопросами защиты инвестиций, избежания двойного налогообложения.

Как известно, подготовка полноценного специалиста для корпорации — трудоемкая и ответственная деятельность. Для функционирования предприятий всех форм собственности необходимо квалифицированное юридическое обеспечение, этим и определяется роль юридических служб. Современная корпорация должна быть всегда обеспечена надежной и профессиональной поддержкой и защитой в лице квалифицированного адвоката, который всегда отстаивает интересы своего доверителя. Рынок юридических услуг широко раз-

вивается и имеет большой выбор, но, тем не менее, можно увидеть большую потребность в специалистах международного уровня.

В настоящее время, нужно уделить отдельное внимание, совершенствованию правовых основ юридической службы по правовой поддержке экономики и торговли по нижеследующим направлениям, в частности:

создать возможность иностранным гражданам, имеющим постоянное место жительства в Республике Узбекистан и лицам без гражданства заниматься адвокатской деятельностью;

развивать корпоративные юридические консультации и юридический консалтинг, оказывающих юридическое обслуживание субъектов предпринимательства;

разработать правовую основу и внедрить в практику механизм оказания бесплатной юридической помощи и юридических консультаций широким слоям общества;

усилить научные исследования, направленные на научно-практическое изучение механизма оказания юридической помощи.

Решение вышеуказанных задач в будущем, приведет к совершенствованию юридической помощи и правовых основ оказания услуг.

<sup>1</sup> Глобальный рынок юридических услуг: свежие цифры от MarketLine и Acritas // <http://www.anglolex.org/News/11.html>

<sup>2</sup> Национальная база данных законодательства, 02.08.2018 г., № 06/18/5495/1611

<sup>3</sup> Статистика Министерства юстиции Республики Узбекистан на ноябрь 2017 года.

<sup>4</sup> <http://www.chamber.uz/uzk/news/1774>